



ТЕРГОВ АМАЛИЁТИ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси ИИБ хузуридаги
Тергов департаменти

ТАҲРИР КЕНГАШИ:

О.Т. Қулбеков (кенгаш раиси)
И.И. Файзуллаев (кенгаш раисининг
ўринбосари)

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ:

О.В. Хаджаев
Р.Б. Базаров
С.С. Орипов
О.Х. Валиханов
У.С. Авилов
С.Б. Юсупов

«Тергов амалиёти» журнали

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Тергов департаменти бошлиғининг ўринбосари, подполковник О.Т. Қулбековнинг умумий таҳрири остида тайёрланган.

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгасига қайтарилимайди. «Тергов амалиёти»дан кўчириб босилган мақолалар «Тергов амалиёти»дан олинганилиги кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Манзилимиз:

100029, Тошкент шаҳри,
Ю.Ражабий кўчаси, 1-уй.

www.tergov.uz;
facebook.com/tergov.uz;
instagram.com/tergov_departamenti;
[/t.me/tergov_uz](https://t.me/tergov_uz).

Телефонлар:

71 233-65-34, 71 231-55-88

МУНДАРИЖА

И. И. Файзуллаев

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш хусусиятлари.....5

Б. А. Рахматов

Кўзғалмас объектга ўрнатилган видеокамера видеотасвири ёрдамида автотранспорт воситасининг ҳаракат тезлигини аниқлаш.....12

М. М. Султонов

Пандемия шароитида кибержиноятчилик тенденцияси истиқболлари.....18

И. М. Ниязметов

Қонунлар — фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликлари кафолатидир.....26

А. К. Казимов

Фарғона вилоят ИИБ хузуридаги Тергов бошқармаси ва унинг кўйи тергов бўлинмаларининг иш фаолияти32

Дж.И. Сафаров

Великодушие, милосердие, гуманизм, защита свободы и законных интересов человека – важнейшее направление демократического обновления и модернизации страны.....38

А. А. Закиров

Хўжатли тафтиш тайинлашнинг ҳуқуқий асослари, ўтказиш тартиби ҳамда тактик жиҳатлари.....44

Т. А. Ромаданова

Современные возможности при исследовании маркировочных обозначений транспортных средств.....52

И. А. Тоиров

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўрибчикиштартиби ва бугунги кундаги долзарбилиги.....58



АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ



Файзуллаев Илхом Истамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ
ҳузуридаги Тергов департаменти
Тергов фаолиятини ташкиллаштириш
бошқармаси бошлиғи,
подполковник



Бугунги шароитда ахборот коммуникация технологияларисиз кундалик ҳаётимизни тасаввур қилиш қишин, улар жамиятнинг турли соҳаларини ривожлантириш учун хизмат қилмоқда. Ахборот технологиялари жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши ва айрим ижтимоий муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Давлат ва жамият бошқаруви соҳасига замонавий ахборот-коммуникация тизимларини жорий этиш мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар ва ўзгаришларни самарали амалга оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шу билан бирга, давлат органлари ва ташкилотларида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга қарши курашишда қатор муаммолар мавжуд¹.

Жумладан, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан жорий

етилаётган аппарат воситалари ва дастурий маҳсулотларни экспертиза ва сертификациядан ўтказиш тизимидағи камчиликларнинг мавжудлиги, телекоммуникация, ахборот ва киберхавфсизлик соҳасидаги назорат тизими, муҳим ахборот инфратузилмасининг мукаммал эмаслиги, бундан ташқари бузғунчи кучларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фаол фойдаланиши аҳоли, айниқса, ўсиб келаётган авлоднинг дунёқараши ва онгига салбий таъсир кўрсатаётганлиги, шунингдек, ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш ва миллий ахборот маконини ҳимоя қилишнинг замонавий усуслари жорий қилинмаганлиги кабилар ушбу соҳада жиддий ташвиш туғдирувчи ҳолатлар саналади.

Телекоммуникация тармоқларининг таркибий қисмлари ишига, улар муҳитида ишловчи компьютер дастурларига ғайриқонуний аралашиб, компьютер ахборотини қонунга хилоф равиша модификациялаштириш ва йўқ қилиб юбориш давлат инфратузилмасининг ниҳоятда муҳим элементлари фаолиятларини бузиши мумкин ҳамда бу кўплаб одамларнинг ҳаётига хавф туғдириши, катта миқдорда мулкий зарар етказилиши ёки бошқа оғир оқибатларнинг келтириб чиқариш хавфини туғдиради. Ҳар қандай жиноят содир этилганида, уни сифатли тергов қилиш учун ўша жиноятнинг таркибини

Ваш почтовый ящик был взломан!

От кого Yandex.Support <support@yandex.ru> добавить ▾

Кому Pioneer007-87@yandex.ru

Отправлено 4 июня 2011 в 15:52, получено в 16:53

Нами зафиксирована попытка взлома вашего почтового ящика.

IP с которого происходил взлом: 215.76.26.169

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги "Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-4024-сон қарори. Электрон манба. Манба манзили:<https://lex.uz/docs/4071401>, Мурожаат вақти: 2020 йил 8 июль.



мукаммал билишни талаб этади.



Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар нафақат интеллектуал мулк дахлсизлигини бузиш, шунингдек фуқароларнинг шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни ошкор этиш, бевосита зарар ва олинмаган фойда кўринишида мулкий зарар етказилиши, корхона, муассаса, ташкилот обрўсининг тўкилиши, улар ҳуқуқий фаолиятини бузишнинг ҳар хил турлари ва бошқалардир. Бу турдаги жиноятлар ахборот технологияларидан қонуний, хавфсиз фойдаланиш борасидаги муносабатлар билан тенг равища, шахснинг шахсий ҳаётига оид ҳуқуқига тажовуз қиласди.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг умумий объектини жиноят қонуни билан қўриқланадиган барча ижтимоий муносабатлар, махсус объектини жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига оид, турдош объектини ахборот технологияларидан қонуний ва хавфсиз фойдаланиш борасидаги ижтимоий муносабатлар мажмуи ташкил қиласди. Ушбу турдаги жиноятларнинг бевосита обьекти эса алоҳида жиноят туридан келиб чиқади.

Ахборот **жиноят обьекти** бўлиши мумкин деган қараш тарафдорлари



фикрича ахборот, шу жумладан, компьютер ахбороти жамият учун яратилган қулайликдир, шу сабабли улар ноқонуний йўқ қилинганида ёки модификациялаштирилганида зарар кўрилиши айни ҳақиқатдир. Аммо компьютер ахбороти (масалан, сир сақланадиган маълумотлар) қонунга хилоф тарзда нусха кўчирилиши ва улар тўсибқўйилиши мумкин. Бунда ахборотўзи асло зарар кўрмайди. Ваҳоланки, жиноят обьекти доимо зарар жиноий қилмишдан зарар кўради, акс ҳолда, жиноят таркиби мавжуд бўлмайди. Чунки биринчи ҳолда ахборот қонуний эгасинингундан монопол фойдаланиш муносабатларига, иккинчи ҳолда эса бевосита қонуний ва хавфсиз фойдаланиш муносабатларига зарар етади. Шунга кўра, компьютер ахбороти ўз-ўзича ҳар доим ҳам зарар кўрмайди, аммо барча ҳолларда ундан фойдаланиш муносабатлари бузилади деган холосага келиш мумкин.





Жиноят-хуқуқий ёндашувга кўра, компьютер аҳбороти ёки рақамли маълумотлар аҳборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг предмети ҳисобланади. Компьютер аҳбороти рақамли дастурий аппаратлар ёрдамида ишлов бериладиган ва фойдаланиладиган ҳамда шахслар, нарсалар, фактлар, ҳодисалар, воқеалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотларга, шунингдек ундан фойдаланиш режими (тартиби)ни белгилаган мулқорнинг идентификациявий атрибуларига эга рақамли аппаратлар дастурлари ва маълумотлар базаларидир. Рақамли аппаратлар дастурлари ва маълумотлар базалари ҳам жиноят-хуқуқий муҳофаза этилиши керак. Рақамли аппаратлар дастурлари бир томондан аҳборотга таъсир кўрсатиш воситаси бўлса, бошқа томондан командалар ва маълумотлар мажмуидан иборат аҳборотdir. Яъни, уларга муайян икки томонламалик хос.

Бу эса рақамли аппаратлар дастурини аҳборот турларидан бири сифатида талқин этиш учун асос бўлади.

Компьютер аҳбороти аҳборот ташувчисида, рақамли аппаратларда, рақамли локал ёки глобал тармоқда бўлиши мумкин.

Аҳборот ташувчиси – компьютер аҳборотини доимий сақлаш ва ташиш учун мўлжалланган қурилма ёки мосламалардир.

Рақамли аппаратлар микропроцессор ҳамда аппратанинг ақлли ишлиши учун алоҳида функцияларни бажарувчи маҳсус ички ёки ташқи қурилмаларни ўз ичига оладиган воситалар (мисол учун, система

блоки, клавиатура ва монитор кабилар) дан иборатdir.

Аҳборот технологиялари соҳасидаги **жиноятларининг объектив томони** аксарият ҳолларда моддий таркиб сифатида ифодаланади. Шу боис, нафақат ижтимоий хавфли қилмишнинг содир этилиши, балки ижтимоий хавфли оқибатларнинг юз бериши, шунингдек қилмиш билан юз берган оқибат ўртасидаги сабабий алоқа аниқланиши ҳам назарда тутилади. Жиноятларнинг алоҳида таркиблари (ЖК 278-3, 278-6 ва 378-7-моддалар) қонунда формал таркиб сифатида ифодаланган. Уларнинг тугаш пайти сифатида, оқибатлари қачон юз беришидан қатъий назар, ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг содир этилиш вақти кўрсатилган. Ижтимоий хавфли қилмишларнинг ўзи асосан ҳаракатлар шаклида намоён бўлади ва баъзан ҳаракатсизлик бўлиши мумкин.

Бир ҳолатда жиноят таркиби объектив томонининг бундай белгиси, жиноятни содир этиш усули сифатида, асосий ва оғирлаштирувчи ҳолатларга эга таркибларининг мажбурий белгиси сифатида ифодаланади. Қолган ҳолларда жиноят таркиби, шунингдек содир этилиш жойи, вақти, қуроли, воситалари, вазияти айни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида инобатга олиниши мумкин.

Мазкур турдаги жиноятларни тергов қилишнинг деярли барча босқичларида аҳборот технологиялари ва алоқа тизимлари соҳасида кучли билим ва кўнгикмаларга эга бўлган мутахассиснинг ёрдами жуда зарур бўлади. Бундай



мутахассисларнафақат махсус билимлари билан тергов жараёнига күмаклашиши, балки махсус воситалардан самарали фойдаланиш, жиноят излари бўлиши мумкин бўлган жойларни ва объектларни аниқлаш ва уларни кўздан кечиришни бевосита бирга амалга ошириб беришлари мумкин.

Ушбу турдаги жиноятлар содир этилганлигини аввало компьютер воситаси, тармоғи тизимидағи носозлик, ишлаш жараёнидаги узилишлар, айрим дастурий командалар нотўғри бажарилиши ёки бажарилмаслиги, ахборотга ишлов беришдаги нуқсонлар, ахборотнинг йўқолиши, ўзгариши ва шунга ўхшаш ҳолатлар юзага келиши ҳолатларини ўрганиш орқали аниқлаш мумкин. Жиноят содир этилганлигини, шунингдек жиноят иши қўзғатиш ва жиноят содир этган шахсларни аниқлаш ва уларни фош этиш учун аввало компьютер техникиси ёки тармоғини

кўздан кечириш, тегишли экспертиза ўтказиш керак бўлади.

Бундай тоифа жиноятларни тергов қилишда ўтказиладиган процессуал ҳаракатлар жараёнида қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратиш лозим бўлади:

1) ахборотлаштириш қоидаларини бузилган ёки бузилмаганилиги.

Бунда белгиланган ҳимоя чораларини кўрмаган ҳолда ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банкларини, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимларини яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш ҳамда ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлган ёки бўлмаганилигига баҳо берилади;





2) компьютер ахборотидан, яъни рақамли ахборот қурилмалари ва уларнинг таркибий қисмлари, ахборот тизимлари, тармоқларидан виртуал ёки рақамли маълумотлардан қонунга хилоф равиша (рухсатсиз) фойдаланилган ёки йўқлиги.

Ўз навбатида, ушбу ҳаракат электрон ахборотнинг йўқ қилиниши, беркитилиши, қайта ишланиши, ундан нусха кўчирилиши ёхуд унинг қўлга киритилишига, кибернетик қурилмалари, ахборот тизими ёки уларнинг тармоқлари ишининг бузилишига олиб келганлиги ёки олиб келмаганлиги ўрганилади;

3) ҳимояланган компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равиша (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус дастурий ёки аппарат воситалари (ўтказиш мақсадини кўзлаб) тайёрланганлиги ёхуд ўтказилганлиги ва тарқатилганлиги ҳолати мавжудлиги ёки йўқлигини;

4) кибернетик маълумотларнинг қайта ишланганлиги (компьютер тизимида сақланаётган ахборотни қонунга хилоф равиша ўзgartiriш, унга шикаст етказиш, уни ўчириш, худди шунингдек била туриб унга ёлғон ахборотни киритиш) фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манбаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манбаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиҳдий зиён етказилишига сабаб бўлганлиги ёки ушбу ҳаракат, унинг оқибатлари йўқлигини;

5) ўзганинг кибернетик ускунаси қасддан ишдан чиқарилганлиги, худди шунингдек компьютер тизими

бузилганлиги;

6) компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган электрон ахборот рухсатсиз йўқ қилиб юборилганлиги, тўсиб қўйилганлиги, ўзгартирилганлиги, ундан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритиш мақсадини кўзлаб компьютер дастурлари яратилганлиги ёки мавжуд дастурларга ўзгартиришлар киритилганлиги, худди шунингдек махсус вирус дастурлари ишлаб чиқилганлиги, улардан қасддан фойдаланилганлиги ёки улар қасддан тарқатилганлигини;

7) ўрнатилган ҳимоя тизимларини четлаб ўтган ҳолда телекоммуникация тармоғидан фойдаланиш ва халқаро трафикни ўтказиш мақсадида телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равиша (рухсатсиз) фойдаланилганлиги, шунингдек мазкур мақсадлар учун мўлжалланган махсус дастурий ёки аппарат воситалари қонунга хилоф равиша (рухсатсиз) сақланганлиги ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун шароитлар яратилганлиги.

Бунинг учун ҳодиса содир бўлган жой, шунингдек ашёвий далил тариқасида олинган махсус кибернетик воситаларни ҳамда улар аниқланган обьектларни кўздан кечиришда синчковлик билан юқорида қайд этилган ҳолатлар бор ёки йўқлигига эътибор қаратиш шарт.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни бошлашдан аввал жой, у ердаги кибернетик воситалар, улар турган жой, локал ёки глобал тармоқ сервери, электр токи манбаига уланиш нуқталари қўриқланиши таъминланиши керак. Компьютер ёки бошқа кибернетик восита кўздан кечириш аввалида электртга ва тармоқقا уланган (ишлаб турган) ҳолатда бўлса, статик ҳолатда кўздан кечириш



тугагунга қадар шу ҳолатда қолдирилиши керак. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда жойга кириб чиқиш йўлларига, мавжуд жиҳозларга, уларнинг ўзаро жойлашувига, компьютернинг интернетга уланиш имкониятлари мавжудлигига, (кибернетик воситаларнинг ишлаб чиқарилишига оид техник ҳужжатларига), компьютер воситасигача бўлган йўлақдаги қолган изларга, хонанинг қўриқлаш сигнализациясига, жойда кузатув камералар ўрнатилганлигига эътибор қаратиш зарур.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилишда рақамли ахборотни кўздан кечириш ўзига хос мураккабликларга эга. Бунда албатта мутахассис иштирокига зарурат туғилади. Кўздан кечиришда рақамли ахборотнинг тури, номи, ҳажми, хусусиятлари ва қандай хотира ускунасида жойлашганлиги, маълумотнинг ёзилиш шакли, формати, кодланганлиги, умумий тушунарли эканлиги ёки маҳсус рақамлар комбинацияси (пароль)дан ифодаланганлиги, ўзгартирилган санаси, ахборот эгаси (ижрочиси) ҳақидаги маълумотлар, ахборот мазмуни ва бошқа аҳамиятли жиҳатларга эътибор қаратиш зарур.

Аниқланган иш учун аҳамиятли нарсалар, излар ва ашёлар кейинчалик экспертиза ўтказиш учун белгиланган тартибда олинади. Ахборот технологиялари соҳасида жиноятларни тергов қилишда **компьютер-техник** ва **дастурий-техник** экспертизалар тайинланади. Мазкур экспертиза тайинланиши ва ўтказилишидан

мақсад қайд этилган жиноятлар содир этилганлиги, уни содир этиш усуллари, вақти ва бошқа хусусиятларини аниқлаш ҳисобланади.

Экспертиза ҳал этиши учун қуйидаги мазмундаги саволларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ:

1) ахборотлаштириш қоидаларини бузилганми?

2) компьютерга, тизимга ёки унда базага муайян вақт оралиғида кирилганми, кирилган бўлса неча марта ва қандай усулда кирилган?

3) тақдим этилган дастурий ёки аппарат воситалари ҳимояланган компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш имконини берадими?

Агар шундай имкон яратса унинг ишлаш механизми қандай?

4) тақдим этилган компьютер ахбороти қайта ишланганми? Модификациялаштириш вақти ва хусусиятлари қандай бўлган?

5) тақдим этилган кибернетик ускуна (қисми, қурилмаси) фойдаланишга яроқлами? Яроқсиз бўлса қачондан яроқсиз ҳолга келган? Компьютер тизимида бузиб кирилганми? Бузиб кирилган бўлса, бузиб кириш қандай содир этилган, қачон ва неча марта?

6) тақдим этилган компьютер дастури компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборотдан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритиш имконини берадими ёки у маҳсус вирус дастурими?

7) тақдим этилган кибернетик ускуна



хотирасида аввал сақланган рақамли маълумотларни қайта тиклаш имконияти мавжудми?

Унда қандай маълумотлар бор?

8) тақдим этилган маҳсус дастурий ёки аппарат воситалари ўрнатилган ҳимоя тизимларини четлаб ўтган ҳолда телекоммуникация тармоғидан фойдаланишвахалқаротрафикни ўтказиш имконини берадими? Компьютерда ёки бошқа ахборот коммуникация воситасида ўрнатилган ҳимоя тизимларини четлаб ўтган ҳолда телекоммуникация тармоғидан фойдаланиш ва халқаро трафикни ўтказиш учун шароитлар яратилганми?

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилишда энг муҳим асосий тергов ҳаракати сўроқ қилиш ҳисобланади. Суриши трув ёки терговчи иш бўйича шахсни сўроқ қилишдан олдин, унга

алоҳида пухта тайёргарлик қўриши, унда ушбу йўналишбўйича маҳсус билимлардан фойдаланиши ва иш ҳолатларидан келиб чиқиб аниқлаштирилиши керак бўлган саволларни олдиндан тайёрлаб қўйиш керак.

Сўроқ жараёнида жиноят содир этилганлиги, тафсилотлари, вақти, жойи, усули, мотиви, мақсади, келиб чиқсан оқибат, жиноят изларини яширишга қаратилган ҳаракатлар, жиноят содир этилиши натижасида қўлга киритилган ахборотдан қандай фойдаланилганлиги, жиноят ҳақида маълумотга эга бошқа шахслар, жиноят излари мавжуд обьектлар ва предметлар, улар жойлашган жойлар ҳақида саволлар берилиши ва тегишли жавоблар (кўрсатувлар) олиниши мақсадга мувофиқ.





ТЕРГОВ ДЕПАРТАМЕНТИ / СЛЕДСТВЕННЫЙ ДЕПАРТАМЕНТ

ҚЎЗҒАЛМАС ОБЪЕКТГА ЎРНАТИЛГАН ВИДЕОКАМЕРА ВИДЕОТАСВИРИ ЁРДАМИДА АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАСИНИНГ ҲАРАКАТ ТЕЗЛИГИНИ АНИҚЛАШ



Рахматов Баходир Абдуманнапович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Эксперт криминалистика

бош маркази катта эксперти,

подполковник



Республикаизда автомобиллаштириш жарайёни тез ривожланаётганлиги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида янгича ёндошув ва изланишларни талаб этмоқда.

Йўл-транспорт ҳодисалари (ЙТХ) ҳолатларини белгилашда махсус билимлардан самарали фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун, суд-автотехника экспертизалари

иши ҳолатларини белгилаш ва одил судловни амалга оширишда муҳим далил воситаси ҳисобланади.

Йўл-транспорт ҳодисалари деганда асосан транспорт воситаларининг пиёдаларни ва қўзғалмас тўсиқларни уриб кетиши, транспорт воситаларининг тўқнашуви ва афдарилиши, транспорт воситаларидан йўловчиларнинг йиқилиши ҳамда транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизликка таъсир қилувчи тизимларидаги носозликлар сабабли ЙТХларни юзага келиши ва бошқа ҳолатлар тушунилади.

Автотранспорт воситасининг ҳаракатланиш тезлигига ойдинлик киритиш ЙТХни текшириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда муҳим омил ҳисобланади.

Ҳозирги кунда тормозланмаган ҳолатда ЙТХ содир қилган транспорт воситасида юзага келган пачоқликлар, унинг тўқнашувдан сўнг ҳаракатланиб ўтган йўли, тўқнашув натижасида айланган бурчаги ёки афдарилиши





натижасида пайдо бўлган механик шикастлари асосида ҳаракатланган тезлигини аниқ ҳисоблаб топишнинг илмий усули мавжуд эмас.

Чунки, тўқнашув ҳолати мураккаб ҳодиса ҳисобланади ва ушбу жараёнда деформациялар (шикастланишлар) ни ҳосил қилинишига кинетик энергия сарф бўлади. Энергияни сарфланиши эса тезликни сўниши билан боғлиқ.

Шунингдек, Ўзбекистон давлат суд экспертиза амалиётида тўқнашув жараёнда сўнган тезликка сарф бўлган кинетик энергия қийматини амалиётда аниқлашнинг илмий услубий қўлланмалари ишлаб чиқилмаган. Шу сабабдан, тормозланмаган ҳолатда тўқнашув содир қилган транспорт воситасининг ЙТҲ вақтидаги ҳақиқий тезлигини экспертиза ўтказиш йўли орқали техник жиҳатдан аниқлашнинг имкони йўқ.

Таъкидлаш лозимки, автотранспорт воситалари ҳаракатланишининг техник хусусиятлари тобора такомиллашиб бориши (мисол учун, ABC тормоз тизимини қўлланилиши) ҳаракатланиш тезлигини аниқлашда ноаниқликларни ҳамда қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Шу сабабли, ЙТҲ таҳлилида замонавий техник воситаларидан фойдаланилган ҳолда янгилangan илмий-методик тавсиялар тизимини шакллантириш бу йўналишдаги муаммоларга чек

қўйиб, автомобилнинг ҳаракат тезлиги кўрсаткичларини ҳисоблаб топишда қулагайликларни яратади.

Айни вақтда ЙТҲ билан боғлиқ ишлар юзасидан тайинланган автотехника экспертизаси қарорлари ижросини таъминлаш учун тадқиқотларда билвосита усуллар ёрдамида аниқланган (жабирланувчи, гувоҳ ёки бошқа ҳаракат қатнашчилари кўрсатмасидан олинган) тезлик кўрсаткичларидан фойдаланилиб келинмоқда. Қайд этиш керакки, ҳар доим ҳам бундай маълумотлар ҳақиқий тезлик кўрсаткичига мос келавермайди.

Яна, шуни таъкидлаш лозимки, биргина тезлик қийматини ўзгартирилиши ҳодиса сабабчиларини айлаш (оқлаш) процессига салбий таъсир кўрсатиб, асосланган қарор қабул қилишда янглишмовчиликларни ҳамда зиддиятларни юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалитика бош маркази мутахассислари томонидан ушбу муаммони ижобий ҳал этиш мақсадида, илфор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда республикамистергов амалиётига янги услубий қўлланма жорий этилди.

Мазкур қўлланма ЙТҲ вазияти акс этган видеөёзув таҳлили орқали автотранспорт воситасининг тўқнашувга қадар бўлган тезлигига аниқлик киритишда дастуруламал бўлиб хизмат қиласди.

Видеотасвир орқали тезликни тадқиқ қилишнинг ўзига ҳослиги

Видеотасвир орқали содир этилган ҳодисани тадқиқ қилишда обьектларнинг тезлигига аниқлик киритиш асосий мақсад эканлигини назарда тутган ҳолда, муайян вазиятга қараб тезлик кўрсаткичини аниқлашнинг бир қатор усулларини ажратиш мумкин. Аввало, бирор-бир обьект (автомобил, велосипед ёки пиёда)нинг тезлигини аниқлаш учун унинг маълум вақт давомида босиб ўтган йўлини билишни

ўзи етарли. Объектнинг белгиланган вақт оралиғида босиб ўтган масофасини бир неча ўзига хос усуллар ёрдамида аниқлаш мумкин. ЙТҲ акс этган видеотасвирлар қуйидаги шароитларда қайд этилиши мумкин:

- қўзғалмас камера ёрдамида амалга оширилган ва тасвирга тушириш жараёнида транспорт воситаси тўғри чизик бўйлаб ҳаракатланиш жараёнида



кадрда ҳар хил бурчак остида кўриниб акс этган ҳолати;

- қўзғалмас камера ёки транспорт воситасининг ўзига ўрнатилган видеорегистратор орқали бажарилган ва бунда узунлиги маълум бўлган обьект ёки оралиқ масофаси маълум булган обьектлар ёнидан ҳаракатланиб ўтган ҳолати;

- қўзғалмас камера ёхуд бир томонга ёки қарама-қарши томонга ҳаракатланган транспорт воситасига ўрнатилган видеорегистратор ёрдамида бажарилган ва транспорт воситаси бир йўналишда ҳаракатланган, тезлиги ва узунлиги маълум бўлган бошқа транспорт воситасидан ўтиб кетиш жараёни тасвирга олинган ҳолати.

Видеотасвирнинг мета-маълумотларига кўра, видеокадр-ларнинг ёзиш тезлиги (кадрларнинг ўтиш тезлиги) видеокамеранисуратга олиш тезлигидан иборат бўлиб, унинг техник кўрсаткичи вақт давомида ўтган кадрлар сонига нисбати билан ифодаланади. Оддий қилиб тушунирилса, ёзиб олиш тезлиги бир секунд давомида ўтган кадрлар сонини билдиради. Ёзиш тезлигининг ўлчов бирлиги қилиб кадрларни секундга нисбати (к/с) ёки герц (Гц) қабул қилинган.

Телевизион тизимдаги стандарт частота PAL, SECAM тасвирлари учун секундига 25 та кадр, NTSC учун секундига 30 та кадр этиб белгиланган.

Ҳозирги кунда қўлланилаётган видеокузатув мосламаларининг аксарияти видеотасвирларни секундига 15 тадан 30 та кадргача ёзиб олиш имкониятига эга. Бунда ёзувларнинг кадр кенглиги 640x480, 1280x720, 1920x1080 тарзда қайд этилади.

Экспертиза тадқиқотлари учун кадрлар частотасининг юқори бўлиши муҳимdir. Юқори частотага эга кадрлар тезлик қийматлари ҳақидаги маълумотларнинг аниқлигини оширади. Паст частотада ёзилган кадрлар тезликка ойдинлик киритадиган

маълумотларни тўплашда нисбатан кўпроқ ноаниқликларни келтириб чиқаради.

Ҳаммага маълумки, оддатда автомобилнинг ҳаракат тезлиги ҳақидаги маълумот жиҳозлар панелидаги тезликни ўлчаш мосламаси (спидометр) кўрсаткичидан олинади. Лекин тезлик ўлчагич орқали кўрилган маълумот ҳамма вақт ҳам ҳақиқий тезлик кўрсаткичи бўлиб чиқмаслиги мумкин. Чунки, ҳар қандай ўлчов мосламалари каби спидометрда ҳам ноаниқлик (хатолик) чегараси (погрешность) белгиланган. Бу ноаниқликка автомобилга ўрнатилган шиналарнинг ўлчамлари (завод томонидан кўзда тутилмаган ўлчамдаги шиналарни ўрнатиш) ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Шу сабабли, ҳозирги кунда автомобилнинг жиҳозлар панелидаги спидометр кўрсаткичи қайд этган тезлик амалдаги тезликдан бутунлай бошқача бўлиб чиқиши ҳеч кимни ажаблантирмай қўйган. Айнан шу сабабларга кўра, обьектнинг (автомобилнинг) тезлигини қандай аниқлаш кераклигини билиш керак.

Бугунги кунга қадар республика суд экспертиза муассасаларининг илмий-тадқиқот амалиётида қўзғалмас кузатув ёки бошқа турдаги камералар ҳамда транспорт воситаларидағи видеорегистраторлар олган видеөзувлар асосида обьектлар (транспорт воситалари, пиёдалар) нинг тезликларини илмий асосланган методик тавсиялар орқали аниқлаш усули йўлга қўйилмаган.

Кузатув камерасида қайд этилган транспорт воситаларининг қатнов қисмида ҳаракатланган масофасини, ҳаракат тезликларини ёки траекторияларини аниқлаш усули илфор чет эл давлатларининг тажрибаларида (Франция – 2002 йил, Хитой- 2002 йил, Россия – 2010 йил, Украина – 2018 йил) қўлланилиб келинаётган бўлиб, ушбу тадқиқотлар маҳсус дастур ва ўлчовни амалга оширувчи



мослама (видеокамера)лар ёрдамида бажарилмоқда.

Бунда таъминловчи манба сифатида қўлланилаётган дастурлар («АвтоУраган»-ВС (Россия), TruCam (Украина) ва ҳ.к.)лар 1 км/соатдан - 255 км/соат оралиғида ҳаракатлаёнаётган автомобилларнинг тезликларини аниқлай олиш имкониятига эга. Шуни таъкидлаш жоизки, техник мосламаларни радарлар (радиолокационный доплеровский измеритель скорости)га ўхшатишноўрин бўлиб, уларнинг ишлаш жараёнини бирбиридан тубдар фарқ қиласди.

Хорижий илфор тажрибага асосланган ҳолда тадбиқ этилган янги услубий қўлланма тақдим этилган видеоёзув, видеоёзувни қайд этган видеокузатув мосламаси ўрнатилган жой, унинг ЙТҲ ҳамда тадқиқот вақтидаги ҳолатларини ўзгаришлари, видеокузатув мосламаси ёзувини қайд этган компьютер тизими ва унинг техник кўрсаткичлари, ҳодиса жойидаги ўзгармас обьектлар, йўл ва об-ҳаво шароити, тадқиқот қилинаётган транспорт воситаси, шунингдек бошқа омиллар таҳлили (солиштирилиши)дан келиб чиқиб, индивидуал тарзда чуқур ўрганилади.



Қўзғалмас объектга ўрнатилган видеокамерада қайд этилган видеотасвири ёрдамида автотранспорт воситасининг ҳаракат тезлигини аниқлашда қўлланиладиган математик усуллар

Тадқиқотга тақдим қилинган видео тасвирдан автомобилнинг ҳаракатланиш йўлагидан маълум бир масофа белгилаб олинади. Бунда автомобилни йўлнинг бир нуқтасидан иккинчи нуқтасига босиб ўтган йўли орасидаги масофа "A" ва "B" нуқталар билан ажратиб олинади. (Суратга қаранг)

Нуқталар орасидаги масофа худди ўша жода эксперт эксперименти орқали аниқланади ва текширилаётган автомобиль ушбу масофани босиб ўтишга сарфлаган вақт видеотасвирнинг

ёзиш тезлигига кўра кадр частотасидан ҳисобланади.

Масалан, автомобиль ҳаракатлаган "A" ва "B" нуқталар орасидаги видеотасвир 129 та кадрни ўз ичига олган. Камеранинг кадрларни қайд этилиш частотаси 1 (бир) сонияда 24 (йигирма тўрт) та кадрни ташкил этганлиги эътиборга олинса, нуқталар орасидаги масофани босиб ўтиш учун автомобиль 5,375 сония вақт (t_1) сарфлагани маълум бўлади.



$$t1 = G/Q; \\ t1 = 129/24 = 5,375;$$

бу ерда:

G – кузатув камерасида автомобильнинг “А” ва “В” нуқталар орасидаги ҳаркатланиши акс этган видеотасвирдаги кадрлар сони – 129 та;

Q – кузатув камерасининг бир сонияда қайд этган кадрлар сони – 24 та;

/ - бўлиш.

Автомобиль “А” ва “В” нуқталари орасидаги 90 метр масофани 5,375 сонияда босиб ўтган бўлса, унинг ўртача тезлиги (**Va1**) қуийдагича бўлган:

$$Va1 = Sa/t1*3.6; \\ Va1 = 90/5,375*3,6 = 60 \text{ км/с}$$


бу ерда:

Sa - автомобильнинг ҳаракатланиб ўтган масофаси - 90 м;


t1 - автомобильнинг “А” ва “В” нуқталар оралиғидаги масофани босиб ўтишга сарфлаган вақти - 5,375 сония;

* - кўпайтириш; / - бўлиш.

Демак, автомобильнинг “А” ва “В” нуқталари орасидаги ўртача ҳаракатланиш тезлиги **60 км/соатни** ташкил этганлиги кўрсатади.




Қора рангли “жентра” автомобильнинг “А” нуқтадан “В” нуқтагача босиб ўтган масофаси 90 м





ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИК ТЕНДЕНЦИЯСИ ИСТИҚБОЛЛАРИ



Султонов Мұҳсинжон Мұқимович

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Тезкор-қидирув ҳамкорлиги
бошқармаси катта тезкор вакили,
майор**



Коронавирус пандемияси шароитида дунё мамлакатларида, хусусан Ўзбекистонда ҳам рақамли технологиялар кенг жорий этилаётганлиги, фуқароларнинг интернетдан фойдаланиши фаоллашаётганлиги, масофадан туриб ўқиш ва ишлаш, турли коммунал, банк, солик, куръерлик хизматлари ҳамда савдо-сотиқни онлайн равишда амалга ошириш кенгайганлиги рақамлаштириш жараёнларини жадаллашувига шароит яратмоқда.

Маълумотларга кўра, 2020 йил якунига бориб, жаҳонда интернет фойдаланувчилари сони 6 млрд., яъни дунё аҳолисининг 75 фоизидан ортади, 2030 йилга келиб, дунёнинг 90 фоиз аҳолиси интернетдан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳоли масканларини мобил алоқа билан қамрови 97 фоизига ва мобил интернет тармоғига уланиш қамрови 70 фоизга

етказилган, яъни, 22 млн. нафардан ортиқ аҳоли интернетдан фойдаланади. Интернет хизматлари учун тариф ўтган йилга нисбатан 34 фоизга арzonлаштирилиб, 1 Мбит/с учун ўртача 56,0 минг сўмни ташкил қилмоқда.

Ўз навбатида, ушбу имкониятлар ҳар бир давлатдан рақамли технологияларнинг глобаллашуви натижасида юзага келиши мумкин бўлган кибержиноятларни баравқт олдини олишга ўз вақтида эътибор қаратишни талаб этади.

Чунки, мутахассисларнинг фикрича, 2021 йилга келиб,

- дунёда киберхўжумларни уюштирадиган хакерлар сони 6 млн.га етади;

- биргина вирусли дастурлар орқали зарар етказилиши 2015 йилга қараганда 57 баробарга ортиб, 20 млрд. АҚШ долларини ташкил этади, яъни, ҳар 11 секундда зарарли дастурлар орқали хўжум уюштирилиши кузатилади;

- киберхавфсизлик масалалари





билинг шуғулланувчи IT-мутахассислар тақчиллиги юзага келади, уларнинг сони 3,5 млн.дан ортиб, инфратузилмалар, вебсайтлар ва бошқа қурилмаларни ҳимояси билан банд бўлади¹.

МДХга аъзобўлганайрим давлатларда кибержиноятлар йилдан йилга ошиб, содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг асосий қисмини ташкил этаётганлиги таъкидланмоқда.

Россиялик мутахассислар фикрига кўра, 2015 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда содир этилган барча жиноятлар таҳлил этилганда, 2017 йилга келиб кибержиноятлар сони ошиб бориши тенденцияси кузатилган ва 2019 йилда эса, 228 фоизга ошганлиги қайд этилган.

Россия Федерацияси ИИВ маълумотига кўра, 2020 йилнинг 1-ярим йиллигидаги кибержиноятлар ўтган

йилнинг шу даврига нисбатан 91,7 фоизга ортганлиги (Россия Федерацияси Бош прокуратураси маълумотларига кўра, 205 116 та) ва умумий жиноятларнинг 22,3 фоизини ташкил этаётганлиги кўрсатилган².

Россия Федерацияси Ички ишлар вазирининг 1-ўринбосари А.Горовой 2020 йил январь оида ОАВга берган интервьюсида, сўнги тўрт йил давомида IT соҳасидаги жиноятлар сони ҳар йили ўртача 70 фоизга ошиб бораётганлигини таъкидлаган.

Шунингдек, Украинада ҳам 2017 йилга келиб кибержиноятлар ўсиши кузатилган, 2018 йилда ушбу турдаги 1023 та жиноят содир этилган бўлса, фақатгина 2019 йилнинг 1-ярим йиллиги давомида эса, бу кўрсаткич 1005 тани ташкил этган³.



¹ <https://blog.liga.net/user/yaboyko/article/32485>

² <https://habr.com/ru/news/t/469365/>

³ <https://ain.ua/2019/10/22/kolichetvo-kiberprestuplenij-rastet/>



Украина давлати расмий ОАВ тарқатган хабарларда, сўнгги беш йил ичидаги кибержиноятлар сони 2,5 бараварга ортганлиги қайд этилган.

Таҳлилларга кўра, Россия Федерацияси ва Украинада кредит-молия, электрон тижорат, курьерлик ташкилотлари кибержиноятларнинг асосий қурбони бўлиб қолмоқдалар.

Ўз навбатида, бошқа ривожланган давлатларда коронавирус пандемияси даврида дунёга машхур шахсларни аккаунтлари ёрдамида хайрия сифатида маблағ тўплаб, ўзлаштириш ҳамда коронавирус пандемияси вақтида тартибан “унумли” фойдаланиб, киберхужумлар содир этилаётганлиги кузатилмоқда.

Хусусан, киберхужумларга қарши энг кучли ҳимоя тизимларига эга бўлган Илон Маск (“Tesla ва SpaceX” асосчиси), Билл Гейтс (“Microsoft” асосчиси), Жефф Безос (“Amazon” бош директори) ва Жозеф Байден (АҚШнинг собиқ вице-президенти) нинг “Twitter” ижтимоий тармоғидаги бир неча аккаунтларини хакерлар бузиб кириб, уларнинг номидан биткоин-ҳамёнга пул ўтказишни сўрашган ва кейинчалик уни икки баравар қилиб қайташибга ваъда бериб, 120 минг АҚШ долларидан ортиқ маблағни ўзлаштирган⁴.

“Касперский лабораторияси” таҳлилчилари маълумотига кўра, кибержиноятчилик томонидан коронавирусдан ҳимояланишга оид қўлланмалар кўринишида тайёрланган файлга зарарли дастурни жойлаб, тарқатилаётганлиги, бу дастур фойдаланувчининг шахсий маълумотлари, логин-паролларини ўғирлаб, ҳақ эвазига қайта тиклашни таклиф қилаётганлиги аниқланган, ҳозиргача мингдан ортиқ компьютер шу турдаги киберхужумга учраган; унинг илк қурбонлари Япониянинг Гифу, Осака ва Тоттори шаҳарларида

кузатилган⁵.

Россиянинг “Аэрофлот” компанияси хабарига кўра, интернет-фиригарлари авиакомпания мижозлари тўғрисида маълумотларни қўлга киритиб, авиаҷиҳта сотиб олган шахсларга ўзларини компания ходими сифатидатаништириб, коронавирус туфайли рейс қолдирилганлигини айтиб, билетни бошқа кунга кўчиришни ёки пулинни қайтиб беришни, бунинг учун мижоздан банк пластик картаси маълумотлари кераклигини айтиб, ундаги пул маблағларини ўзлаштиришга уринаётганлиги кузатилган⁶.

Маълумотларга кўра, 2020 йил июнь ойида “Honda”⁷ корпорациясининг марказий серверларига уюштирилган киберхужумлар натижасида “Snake/EKANS” номли товламачи дастурий таъминот барча ходимларнинг комьютерларини блоклаб, очиш учун тўлов талаб қилган, натижада корпорациянинг АҚШ, Туркия, Буюк Британия ва Италиядаги автомашина ишлаб чиқарувчи конвейерлари фаолияти тўхтаб қолган.

Мутахассисларнинг фикрича, кибержиноятлар сонининг кескин ортиб бориши бугунги дунёдаги рақамлаштириш жараёнларининг оқибатлари сифатида эътироф этилмоқда.

Ўз навбатида, жаҳон миёсида кузатилаётган рақамлаштириш жараёнларига мутаносиб равища давлатимизда ҳам барча соҳаларда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, хусусан, электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологияларининг маҳаллий бозорини янада ривожлантириш, соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш каби комплекс чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги

⁴ <https://www.terabayt.uz/post/ahmadboycha-firibgarlik-twitterni-buzib-kirgan-xakerlar-apple-ilon-mask-va-boshqalar-akkauntlaridan-bitcoin-ogirlashdi>

⁵ <https://www.terabayt.uz/post/xakerlar-koronavirusdan-foydalanib-kompyuterlarga-hujum-qila-boshlashdi>

⁶ <https://www.terabayt.uz/post/xakerlar-va-firibgarlar-koronavirusdan-foydalanib-plastik-kartalardan-pul-ogirlashmoqda>

⁷ Honda-япон автомобилсозлик корпорацияси, дунё бўйлаб 400дан ортиқ филиалларига эга, 22 мингдан ортиқ ишчи-ходимлари бор.



“Рақамли иқтисодиёт ва электрон хукуматни кенг жорий этиш чоратадирилари түғрисида”ги ПҚ-4699-сон қарорида 2023 йилга келиб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ЯИМдаги улушкини 2 бараварга кўпайтириш, 2022 йилга қадар электрон хизматлар улушкини 60 фоизга етказиш назарда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, рақамли иқтисодиёт ва рақамли технологияларни кенг жорий этилиши давомида хавфсизлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши талаб этилади. Чунки, хориж тажрибасидан келиб чиқиб

ўтказилган таҳлиллар, мамлакатимизда рақамлаштириш жараёни билан мутаносиб равишда кибержиноятчилик ҳам ривожланиб боришидан далолат бермоқда.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиздаги кибержиноятчилик кўрсаткичидаги ҳам Россия Федерацияси ва Украинада бўлгани каби тенденция кузатилмоқда.

Хусусан, 2020 йилнинг 6 ойи давомида содир этилган кибержиноятлар сони 2019 йил давомида қайд этилган кўрсаткичдан ортганлиги кузатилмоқда.

Жиноят турлари кесимида кўриб чиқадиган бўлсақ, компьютер техникиси

КИБЕРЖИНОЯТЛАР ТЕНДЕНЦИЯСИ (Украина, Россия ва Ўзбекистон мисолида)





ёрдамида содир этилган товламачилик, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш, фирибгарлик кўпайган бўлса, 2018 йилдан бўён бевосита ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг барқарор ўсиш суратлари сақланиб қолмоқда.

Мамлакатимизда ҳам хорижда бўлгани каби киберхўжумлар содир этилаётгандиги кузатилмоқда. Жумладан:

- 2020 йил 31 май куни, "Ўзвавтосаноат" компаниясининг расмий "uzautomotors.com" вебсайтига уюштирилган хакерлик хўжуми натижасида сайт вақтинча ишламай қолган ва кейинчалик у ерга хакерлар томонидан "Where is the Security! Please repair your website! If you don't it will be hacked as this!" (Қани хавфсизлик! Илтимос, веб-саҳифангизни таъмирланг. Агар бундай қилмассангиз, у яна шундай ҳужумга дуч келади!) деб изоҳ қолдирилганлиги аниқланган⁸.

- Хорижда дастурчилик бўйича малака ошириб қайтган 60 яшар Н.Рахматов интернетда "Миллий электрон гаштак" номли виртуал ўйин ташкил қилган ва 8 мингдан ортиқ кишиларни жалб қилган, ўйин иштирокчилари томонидан тўловларни амалга оширишлари учун "E-sum" электрон ҳамён дастурини яратиб, 2018-2019 йиллар давомидан уларнинг 250 млн. сўмдан ортиқ маблағларини ўзлаштириб юборган.

- Наманган вилояти Тўракўрғон туманидан бўлган 19 ёшли шахс "Телеграм" мессенджерида «Uydagı_Yulduzlar» номли каналда "NET NOMER ANIQLOVCHI.ARK." номли файлга вирусли дастурни жойлаштирганлиги, уни юклаб олган фойдаланувчиларнинг телефони блокланиб, уни блокдан чиқариш эвазига товламачилик йўли билан ҳақ талаб қилинган⁹.

Хар бир жиноят иши бўйича юзлаб жабрланувчилар мавжудлигини ва киберхўжумдан заарланганларнинг ҳаммаси

ҳам мурожаат қилмаётгандикларини инобатга оладиган бўлсак, кундан кунга киберхўжумлардан заарланганлар сони ортиб бораётгандигини кузатишимиш мумкин.

Жумладан, 2019 йил декабрь ойи давомидан, ИИВнинг "Ишонч телефони"га сохта вебсайт манзиллари орқали интернет фойдаланувчиларига порносайтларга кирганлигини ошкор қилиш ва жавобгарликка тортмаслик эвазига товламачилик билан ҳақ талаб қилиш билан боғлиқ 100 га яқин мурожаат келиб тушган бўлиб, барча мурожаатлар бўйича Тергов департаменти томонидан 1 та жиноят иши доирасида тергов олиб борилган.

Шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги етарли даражада эмаслиги, аризаларни онлайн шаклда йўллаш кўникумаси шаклланмаганлиги ва киберхўжумлар натижасида кам миқдорда зарар етказилганлиги сабабли ортиқча оворагарчиликларни истамасликлари уларни ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилишларига тўсқинлик қилмоқда.

Мисол учун, Сирдарё вилоятида яшовчи А.Асилов "Алоқабанк" мобил иловаси орқали мамлакатимизнинг турли ҳудудларида яшовчи 500 га яқин фуқароларнинг банк пластик карталари маълумотларини қўлга киритиб, улардаги пул маблағларини талон-торож қилган, бироқ жабрланган фуқароларнинг аксарияти етказилган зарар суммаси 100-200 минг атрофида бўлганлиги сабабли ариза беришдан бош тортганлиги кузатилди.

Жаҳон миқёсида кибержиноятчиликнинг ўсиш суратлари кузатилиб, унга қарши кескин чоралар қўлланаётган бир вақтда давлатимизда ҳам ушбу йўналишдаги ишларни жадаллаштириш мақсадида, соҳага оид қуйидаги институционал ва ташкилий-ҳуқуқий

⁸ <https://www.terabayt.uz/post/ozavtosanoat-saytiga-xakerlar-hujum-qilishdi>

⁹ <https://www.terabayt.uz/post/samarqandda-60-yashar-kiberjinoyaticha-hukm-oqildi-video>

¹⁰ <https://uz.sputniknews.ru/society/20200706/14483369/19-letniy-uzbekskiy-khaker-vymanivaet-u-lyudey-dengi-cherez-virus-v-Telegramme.html>



муаммоларни ҳал этиш муҳим аҳамият қасб этади:

- Хориж тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда, Ички ишлар вазирлиги таркибида ҳам кибержиноятларни аниқлаш, фош этиш, профилактикаси билан шуғулла-нүчви алоҳида мустақил таркибий тузилмани шакллантиришга эҳтиёж туғилмоқда.

Мисол учун: 2017 йил декабрь ойида Россия Федерацияси ИИВ таркибида "К" бошқармаси ва унинг ҳудудлардаги таркибий бўлинмалари, 2019 йил декабрь ойида Россия Федерацияси Тергов департаменти таркибида "Кибержиноятлар ва юқори технологиялар соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш бўлими" ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилган.

2015 йилда Украинада кибержиноятлар бўйича алоҳида тузилма – "Киберполиция" ташкил этилган, барча вилоятларда унинг бошқармалари мавжуд.

Туркияда Киберхавфсизлик, разведка ва дастурий таъминот бошқармаси таркибида ўртacha 2 500 (81 та ҳудудий бўлимларда ўртacha 25-40) нафар ходим ишлайди.

- жиноятчилик статистикасида кибержиноятлар қайси жиноятлар эканлиги белгиланмаган бўлиб, Жиноят кодексининг 20¹-бобидаги "Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар" (278¹-278⁷-моддалар)нинг ҳисоби мавжуд. Ҳолбуки, амалдаги Жиноят кодексидаги 42 та ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 13 та моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар мазмунан айнан компьютер технологиялари соҳасидаги жиноятлар ҳисобланади.

- кибержиноятлар аниқланадиган жиноятлар тоифасига кирганлиги сабабли, уларни фош этишида ахборот технологиялари имкониятидан самарали фойдаланишини талаб этади. Ушбу имкониятдан тўлиқ фойдаланилмаганлиги сабабли, бугунги кунда онлайн тижорат, зарарли дастурларни тарқатиш, онлайн қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинлар ташкил қилиш ҳамда электрон

шаклда валюта алмаштиришга алоқадор бўлган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш етарли даражада самара бермаяпти.

Шу сабабли, келгусида Ички ишлар органлари томонидан кибержиноятларни барвақт олдини олиш ва унга қарши курашиш самарадорлигини ошириш мақсадида қўйидагилар таклиф этилади:

"Электрон жиной-ҳуқуқий статистика" ягона ахборот тизимида тегишли ўзгартириш киритилиб, кибержиноятлар ҳисобини юритилишини ташкиллаштириш ушбу турдаги жиноятларни таҳлил қилиш имкониятини оширади.

Шунингдек, ходимларни кибержиноятларга қарши курашиш бўйича илмий салоҳиятини оширишлари учун шароит яратиш, уларни хорижий давлатларнинг ноқонуний равишда онлайн валюта айрибошлаш, онлайн қимор ташкил этиш, зарарли дастурларни тарқатганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи ҳуқуқий нормаларини ўрганиб, қонунчиликни такомиллаштиришда фаол иштирок этишларини рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўз навбатида, IT-технологиялар ривожланган Ҳиндистон, Хитой ва халқаро ташкилотлар билан аввалдан имзоланган ўзаро келишувлар доирасида, пандемия шароитидан келиб чиқсан ҳолда онлайн ўқув курсларини ташкил этилиши ходимларни халқаро тажрибани ўрганишлари учун кенг имконият яратади.

Шу билан бирга, киберхавфсизлик соҳасида фаолият кўрсатаётган давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда, фуқароларни кибержиноятлар қурбонига айланишини барвақт олдини олишга қаратилган, аниқ манзилли профилактик тадбирларни мунтазам равишда ўтказиб бориш лозим.

Бундан ташқари, фуқаролар томонидан электрон тўлов тизимлари орқали пул маблағларини ўзлаштириб олинишини олдини олиш мақсадида қўйидагиларга риоя этишлари талаб этилади:

- банк пластик картадан номаълум тарзда пул ечиб олинган заҳоти уни



блоклаш чорасини кўриш ва хизмат курсатадиган банкка мурожаат қилиш;

- айрим турдаги вируслар ҳисобдан пул кучирилиши чоғида маълумотларни ўғирлаб, картадаги маблагни ўз эгаси (хакер)га ўтказиб юбориши мумкин. Шу сабабли, компюютр ёки телефон қурилмасига антивирус дастурларини ўрнатиб, уларни доимо янгилаб туриш керак;

- банк пластки карталарни бирорларга бермаслик, ҳеч қачон картани PIN-код билан сақламаслик, PIN-кодини ҳеч кимга айтмаслик, SMS-хабарномани ёқтириш орқали ҳар бир тўлов амалиёти тўғрисида келган SMS билан назорат қилиш.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, пандемия шароитида хорижий давлатлар қатори, мамлакатимизда ҳам кибержиноятчиликка қарши курашиб энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу сабабли, юқорида кўрсатилган аниқ манзилли чора-тадбирларни амалга оширилиши ва аҳолининг интернет ҳамда компьютер технологияларидан фойдаланиш маданиятига риоя этишлари бу борадаги ишлар самарадорлигини оширилишида муҳим аҳамият касб этади.





ТЕРГОВ ДЕПАРТАМЕНТИ / СЛЕДСТВЕННЫЙ ДЕПАРТАМЕНТ

ҚОНУНЛАР – ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТИДИР!



Ниязметов Икром Машарипович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Ташкилий департамент

Юридик таъминлаш бошқармаси

бўлим бошлиғи,

капитан



Сўнгги йилларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, мамлакатда қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, хусусан, давлат томонидан ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлаш борасида изчил ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбари бошчилигига мамлакатимизда қийноқларга йўл қўймаслик бўйича жиддий ва ортга қайтмайдиган изчил ислоҳотлар амалга оширилаётган бўлишига қарамасдан, Андижон шаҳри ҳамда Чироқчи туманидаги ички ишлар органлари биноларида фожиали қийноқ ҳолатлари кузатилганлиги барчамиз учун ачинарли ҳолдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Конституция ва қонун устиворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқукий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 13 декабрдаги қарорининг 3-бандида назарда тутилган масалаларнинг ижроси юзасидан 2020 йил 14 майда “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун имзоланган бўлиб, Қонунда шахсни ушлаш, унга процессуал ҳуқуқларини тушунтириш, ҳимоячидан воз кечиш ҳаракатларини мажбурий тарзда видео тасвирга тушириш тартибини жорий этиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари зиммасига улар томонидан шахс ушланганидан сўнг унинг ушлангани ва ушлаб турилган жойи

тўғрисида оила аъзолари ёки бошқа қариндошларини дарҳол хабардор қилиш бўйича мажбурият юклашга доир қоидалар белгиланди.

Эндиликда терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органлари, шунингдек судлар жиноят ишини кўришда янги қоидаларга амал қиласиган бўлди. Жиноят-процессуал кодексининг 52-моддасига киритилган ўзгартиришларга кўра, эндиликда гумон қилинувчи, айланувчи ёкисудланувчи иш юритишнинг исталган пайтида ҳимоячидан воз кечишга ҳақли. Бундай воз кечишга фақат гумон қилинувчининг, айланувчининг ёки судланувчининг ташабbusи билан ва ҳимоячининг ишда иштирок этишига суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан адвокат таклиф этиш орқали таъминланадиган реал имконият мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади. Бунда адвокат ўз ҳимояси остидаги шахс билан холи учрашганидан кейин ҳимоядан воз кечилганлигини тасдиқлади. Ҳимоячидан воз кечиш жараёни видеөёзув орқали қайд этилиши шарт. Ҳимоячидан воз кечганлик ҳақида гумон қилинувчи, айланувчи, судланувчи, шунингдек, адвокат, суриштирувчи ёки терговчи томонидан имзоланадиган баённома тузилади ёхуд суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади. Видеөёзув материаллари баённомага илова қилинади. Бунда ҳимоячининг ҳимоя остидаги шахс билан холи учрашиши видеөёзув орқали қайд этилмайди.

Қонуннинг ушбу талабидан келиб чиқиб, судлар терговга қадар текширувни ва жиноят ишини тергов қилишни амалга оширишда суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан гумон



қилинувчи, айбланувчи ҳимоячидан воз кечиш жараёни ЖПКнинг 91, 224 ва 225-моддаларига амал қилган ҳолда **видеоёзув орқали қайд этилганлиги** ва бу ҳақда тегишли тартибда **баённома тузилганлиги** ҳолати жиноят иш материалларида ўз ифодасини топганлигини текшириши керак бўлади.

Бундан ташқари, терговга қадар текширувни ва жиноят ишини тергов қилишни амалга оширувчи суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан ЖПКнинг 91-моддасида назардатутилган қўйидаги процессуал ҳаракатлар видеоёзув орқали қайд этилиши шартлиги белгиланди.

Жумладан:

- 1) ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш;

- 2) тинтуб ўтказиш;
- 3) кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш;
- 4) тергов эксперименти;
- 5) шахсни ушлаш;
- 6) ҳимоячидан воз кечиш;
- 7) шахсни ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтуб ва олиб қўйиш.

Қолаверса, мазкур Қонун билан Жиноят-процессуал кодексининг 217-моддасига ўзгартириш киритилиб, унга кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор гумон қилинувчига, айбланувчига нисбатан ушлаб туриш тарзидаги, суд эса қамоқقا олиш, уй қамоғи ёки экспертиза ўтказиш учун шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллаганида шахсга нисбатан қўлланилган

ВИДЕОЁЗУВ ОРҚАЛИ ҚАЙД ЭТИЛИШИ ШАРТ БЎЛГАН ПРОЦЕССУАЛ ҲАРАКАТЛАР

ЎТА ОҒИР ЖИНОЯТЛАР БЎЙИЧА ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ

ТИНТУВ ЎТКАЗИШ

КЎРСАТУВЛАРНИ ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙДА ТЕКШИРИШ

ШАХСНИ УШЛАШ

ХИМОЯЧИДАН ВОЗ КЕЧИШ

ШАХСНИ УШЛАШ ЖАРАЁНИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ШАХСИЙ ТИНТУВ



процессуал мажбуровлор чораси ҳамда унинг ушлаб турилган жойи тӯғрисида **дарҳол оила аъзоларидан бирига**, улар бўлмаган тақдирда эса бошқа қариндошларига ёки яқин кишиларига хабар берishi (илгари 24 соатдан кечиктирмасдан хабар берилиши шарт бўлган), шунингдек бу ҳақда иш ёхуд ўқиш жойига маълум қилиши шартлиги белгиланди. Шунингдек, шахсни ушлаш, шахсни ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтуб ва олиб қўйиш процессуал ҳаракатлари ҳам эндиликда видеоёзув орқали қайд этилиши шарт.

Ушлаб турилган, қамоқقا олинган, уй қамоғига ёки тиббий муассасага

жойлаштирилган шахс бошқа давлатнинг фуқароси бўлса, бу ҳақда дарҳол Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига хабар берилиши, хабарноманинг кўчирма нусхаси жиноят ишига илова қилиниши лозим.

Шунингдек, мазкур Қонун билан ЖПКнинг 224-моддасида қўйидагилар ўз аксини топди. Хусусан, ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс ушлаб туришнинг ЖПКнинг 221-моддасида кўрсатилган асосларидан биттаси мавжудлигини бевосита аниқласа ёки бошқа шоҳидларнинг сўзларидан аниқласа:



1) ўзини таништириши ва ушлаб турилган шахснинг талабига кўра ўз шахсини тасдиқловчи хужжатни кўрсатиши;



2) гумон қилинувчига у жиноят содир этишда гумон қилиб ушланганлигини маълум қилиши;



3) ушлаб турилган шахсга адвокатга ёки яқин қариндошларига телефон қилиш ёки хабар бериш, ҳимоячига эга бўлиш, кўрсатувлар беришни рад этишга бўлган процессуал ҳуқуқларини тушунтириши;



4) ушлаб турилган шахсга у берган кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини билдириши;



5) ушлаб турилган шахсдан яқин орадаги ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга бирга боришини талаб қилиши шарт.



Ушланаётган шахсда қурол борлиги ёки у жиноят содир этганлигини фош қилувчи далиллардан қутулиш ниятида эканлигини тахмин қилишга етарли асослар мавжуд бўлса, ушлаётган ваколатли шахс унга нисбатан шахсий тинтуб ёки олиб қўйиш процессуал ҳаракатлари ниамалга оширишга ҳақлидир. Шахсий тинтуб ўтказиш ёки олиб қўйиш тўғрисидаги баённома ушланган шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг холислар ҳозирлигига тузилиши мумкин.

Қонун билан юқоридаги процессуал ҳаракатлар видеөёзув орқали қайд этилиши шартлиги белгиланган бўлиб, процессуал ҳаракатларни бажаришни кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, уларни видеөёзув орқали қайд этмасдан амалга оширишга йўл қўйилади. Мазкур қоида ички ишлар органи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа орган биносида амалга ошириладиган ушлаб туришга нисбатан татбиқ этилмайди.

Шахсни ушлаш видеөёзув орқали қайд этилмаган ҳолда, ички ишлар органи ходими ёки бошқа ваколатли шахс ушлаб турилган шахс яқин орадаги ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келинганидан сўнг видеөёзувдан фойдаланган ҳолда

унинг процессуал ҳуқуқларини тушунириши шарт. Ушлаб турилган шахсга видеоёзув уни намойиш қилиш орқали таништирилади.

Ушбу Қонунга биноан, шахсни яланғочлаш билан боғлиқ шахсий тинтубни видеөёзув орқали қайд этиш тақиқланади.

Янги қоидани яна бир эътиборли жиҳат шундаки, шахс ушланганда ушлашнинг видеөёзув орқали қайд этилганлиги ва ушланган шахснинг видеөёзув материаллари билан танишганлиги, шунингдек шахсни ушлаш вақтида фойдаланилган воситаларнинг техник хусусиятлари иш бўйича юритилган баённомада ўз аксини топган бўлиши керак.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, белгиланган ушбу тартиблар жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, амалиётда юзага келаётган тушунмовчиликлар ҳамда норозиликларнинг олдини олишга хизматқиладиҳамдамлакатимизда амалга оширилаётган бу каби ҳуқуқий ислоҳотларнинг, хусусан ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлаш институтининг такомиллаштирилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлақонли таъминлашдан иборат.



ТЕРГОВ ДЕПАРТАМЕНТИ / СЛЕДСТВЕННЫЙ ДЕПАРТАМЕНТ

ФАРГОНА ВИЛОЯТ ИИБ ҲУЗУРИДАГИ ТЕРГОВ БОШҚАРМАСИ ВА УНИНГ ҚУЙИ ТЕРГОВ БЎЛИНМАЛАРИНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИ



Казимов Азамат Комилович

Фарғона вилояти ИИБ бошлиғининг
ўринбосари-Тергов бошқармаси бошлиғи,
майор




Маълумки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатимиизда адолатни қарор топтириш, халқимиз манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий адолатни таъминлаш бўйича суд-хуқуқ соҳасида жуда муҳим ислоҳотларни амалга ошириш вазифаси белгилаб берилди.

Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида олиб борилаётган мазкур ислоҳотлар қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, суд-хуқуқ тизимини демократлаштириш ва эркинлаштиришда ўзининг самарасини бермоқда.

Сўнгги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигига Янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлида ҳаётга татбиқ этилаётган изчил ислоҳотлар, амалий саъӣ-ҳаракатлар янги тараққиёт марраларини эгаллаш, замон шиддатига мос тарзда ривожланиш, халқимиз манфаатларини таъминлашга қаратилганилиги билан ғоят катта аҳамияткасбетмоқда. Бунафақат халқимиз, балки, жаҳон жамоатчилигининг ҳам юксак эътирофига сазовор бўлмоқда.


Муҳтарам Президентимизнинг соҳага оид фармон ва қарорлари ижросини таъминлашга жиддий эътибор қаратилиб, буни жорий йилнинг ўтган даври мобайнида амалга оширилган ишлар ва соҳага тадбиқ этилган янгиликлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Биргина, Фарфона вилоят ИИБ



10-сонли тергов ҳибсонасида илк бор тергов ҳаракатларини аудио ва видео қайд этиш тизимлари билан жиҳозланган 2 та маҳсус хоналар ташкил этилиб, фойдаланишга топширилди. Бу эса, ўз навбатида жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати сифатида хизмат қиласи. Жиноят процесси иштирокчиларига нисбатан қийноққа солиш, психологик ва жисмоний тазийк ва бошқа шафқатсиз, файриинсоний ёхуд Қадр-қимматни камситувчи муомала турлари каби ноқонуний усулларни қўллашни бартараф этади. Хоналар ўртасида ўрнатилган “Гезелла” ойнаси гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг жабрланувчи ва гувоҳлар, шу жумладан, болалар билан тўғридан-тўғри алоқасини чегаралаган ҳолда сўроқ, шахсни таниб олиш ва бошқа тергов ҳаракатларини олиб боришда яхши самара бермоқда. Сўроқ, юзлаштириш, шахсни таниб олиш, масофадан видеоконференцалоқа тизимида тергов ҳаракатларини олиб бориш имконини беради. Ҳозирда тергов ҳаракатларини бевосита видеоконференцалоқа тизими орқали амалга ошириш йўли билан, процесс иштирокчиларини узоқ масофадан келмасдан, сарф-харажатларни тежаган ҳолда тезкорлик билан тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа тизими орқали ўтказиш чоралари кўрилмоқда.

Шу билан биргага, Фарфона вилояти ИИБ томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний





манфаатлари устунлигига, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати хурмат қилинишига сўзсиз риоя қилиш мақсадида Фарфона ва Қўқон шаҳар ИИО ФМБ ҳамда шаҳар-туман ички ишлар бўлимларининг тергов, жиноят қидирув бўлинмалари, шунингдек навбатчилик қисмларидаги барча хизмат хоналарига терговга қадар текширув, суриштирув ёки тергов ҳаракатлари жараёнини қайд қилиб борувчи 1200 га яқин замонавий видеокузатув воситалари ўрнатилиб, ушбу қурилма орқали терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов ҳаракатларини қайд этиб бориш амалиёти жорий этилди ҳамда видеокузатув воситалари соҳавий хизматлар раҳбарларининг хизмат хоналарига интеграция қилиниб, доимий равишда назорат қилиб бориш имконияти яратилди.

Бу эса, процесс иштирокчиларига нисбатан қийноққа солиш, психологик ва жисмоний тазийик ҳамда бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёхуд қадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллашнинг олдини олишга хизмат қиласди.

Шунингдек, Фарфона вилояти ИИБда “Ҳаракатдаги ижтимоий ёрдам кўрсатиш

маркази” ташкил этилди. Замонавий “Газель” русумли микроавтобус базасида барпо этилган марказда психолог, тарбиявий ишлар бўйича инспектор, шифокор фаолият юритиши мумкин. Барча имкониятларга эга техника воситалари кондиционер, алоқа воситалари, йиғма стол, компьютер, турли кўринишдаги психологик иллюзиялар билан жихозланган. Бундан ташқари, массаж ўриндиғи ҳам мавжуд. Марказ фавқулотда ҳолатларда психологик ва ижтимоий ёрдам кўрсатишга мўлжалланган бўлиб, бу эса хизмат пайтида ходимларнинг фаол руҳий ҳолатда бўлишини таъминлади. Улар билан боғлиқ ҳар қандай кўнгилсиз ҳолатларни тез ва самарали бартараф этишга ёрдам беради.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, вилоятда ижтимоий-сиёсий ҳамда криминоген вазиятни ҳаққоний баҳолаш, қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш, фуқароларни сарсон бўлишларига чек қўйиш, қонун талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш мақсадида ички ишлар органлари фаолиятида жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш ва рўйхатга олишнинг инновацион “102” автоматлаштирилган





тизимини жорий этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хозирда терговга қадар текширув материалларининг салмоқли қисми профилактика инспекторлари ҳиссасига тўғри келаётганлигини эътиборга олиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноят қидирув бўлинмалари ходимларининг юритувидаги жиноятга оид ариза ва хабарлар билан боғлиқ иш юкламасини камайтириш орқали норматив ҳужжатларда белгиланган ваколатлари ва функцияларини сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида, 01.03.2020 йилдан бошлаб эксперимент тариқасида Фарғона шаҳар ва Қува туманида тергов бўлинмалари таркибида алоҳида жиноят ва ҳодисаларга оид аризалар, хабарлар ҳамда бошқа маълумотлар юзасидан терговга қадар текширув ўтказиш вазифаси юклатилган, тергов, жиноят қидирув ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари ходимларидан иборат "терговга қадар текширув олиб борувчи мансабдор шахслар" гурӯҳи фаолияти йўлга қўйилди.

Хозирда ташкил этилган гурӯҳлар иш фаолияти ўзининг ижобий самарасини берган тақдирда вилоятнинг бошқа

шаҳар ва туманларига ҳам тадбиқ этиш режалаштирилган.

Барча тергов бўлинмаларида паспорт-виза ва "АИБ-Ўзбекистон" маълумотлар базаси, шунингдек, ахборот марказининг шахсларнинг маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилганлиги ҳақидаги маълумотлардан масофадан туриб текшириш, "Е-назорат", "Муддат", "Нур", "Stat.prokuratura" дастурлари ҳамда "Юрида-орфо" электрон тизимлари ўрнатилиб, жиноят ишлари доирасида мунтазам равишида фойдаланиб келинмоқда.

Бундан ташқари, тергов ходимларининг дунёда рўй бераётган сиёсий янгиликлар ҳамда қонунчиликдаги ўзгаришлардан ўз вақтида хабардор қилиш мақсадида барча тергов бўлинмаларига маҳаллий сайтлардан фойдаланиш учун интернет тармоқлари ўрнатиб берилган.

Соҳа ходимларига яратилаётган бу каби шарт-шароитлар, қулайликлар, моддий-техник таъминотнинг яхшиланиши, тергов ва суриштирув тизимига кириб келаётган замонавий технологиялар, албатта, хизмат сифати ва самарадорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.



Фарғона вилояти ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси ва унинг қуий тергов бўлинмалари томонидан 2020 йилнинг 6 ойи давомида тергов қилинган жиноят ишлари таҳлили



шундан

**2752 та тергов қилинган
жиноят ишлари**



**1993 та тамомланган
жиноят ишлари**



**айблов хulosаси
(далолатномаси)**



**тиббий йўсингдаги
мажбурлов чораси**



ярашув қарори



Тугатилган ишлар

Жумладан, жорий йилнинг ўтган 6 ойида 2492 та жиноят ишлари юритувга олиниб, аввалги йилдан қолган ишлар билан жами тергов қилинган жиноят ишлари сони 2752 тани ташкил этди.

Жиноят ишларининг тамомланиши таҳлил қилинганда, 2020 йилнинг 6 ойида 1993 та (жами тергов қилинган ишларнинг 72,4 фоиз) жиноят ишлари тамомланиб, шундан 1301 таси айблов хulosаси ва айблов далолатномаси, 262 таси ярашув қарори, 4 таси тиббий йўсингдаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги қарор билан судловга юборилиши таъминланган, 333 таси эса тугатилган.

Соҳа ходимлари томонидан тергов суриштирув ишлари пухта йўлга қўйилиши билан бир қаторда, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида 1953 маротаба тарғибот тадбирлари ҳам ўтказилди.

Жумладан, 337 маротаба оммавий ахборот воситаларида чиқишлир қилинди. Сектор раҳбарлари ва жамоат

ташкилотлари мутасаддиларига 1680 та тақдимномалар киритилиб, шулардан 1423 тасида суриштирувчи ва терговчиларнинг шахсан иштирохи таъминланди.

Тергов бўлинмалари ходимларига қўшимча устамалар тўланадиган маҳсус малака даражасини бериш ҳамда оғир ва ўта оғир жиноятларни намунали фош этганлик ва тергов қилганлик учун пул мукофотлари билан тақдирлаш борасида 2017 йил 15 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг "Ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари ходимлари томонидан жиноятларни тергов қилиш ҳамда фош этиш самарадорлигини янада ошириш тўғрисида"ги 727-сонли қарори асосида жорий йилнинг 6 ойи давомида жами 14 нафар ходимлар оғир ва ўта оғир жиноятларни намунали тергов қилганлиги учун пул мукофотлари билан рағбатлантирилган.

Шунингдек, Тергов бошқармаси томонидан мазкур қарор ижроси бўйича бир қатор олиб борилган ишлар самараси сифатида Фарғона вилоят ИИБ



бошлиғининг 2020 йил 04 февралдаги буйруғи билан 117 нафар ходимга 1-максус малака даражаси, 14 нафар ходимга 2-максус малака даражаси ҳамда 5 нафар ходимга 3-максус малака даражаси берилди.

Хулоса қилиб айтганда, Фарғона вилоят ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси ва унинг қўйи тергов

бўлинмалари замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиб, ўз фаолиятларини адолат ва шаффоффлик мезонларига таянган ҳолда ташкил этишмокда. Бу эса жиноятларни аниқ далиллар асосида фош этиш ҳамда инсон ҳуқуқлари ва қадр-қимматини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилади.





ВЕЛИКОДУШИЕ, МИЛОСЕРДИЕ, ГУМАНИЗМ, ЗАЩИТА
СВОБОДЫ И ЗАКОННЫХ ИНТЕРЕСОВ ЧЕЛОВЕКА –
ВАЖНЕЙШЕЕ НАПРАВЛЕНИЕ
ДЕМОКРАТИЧЕСКОГО ОБНОВЛЕНИЯ И
МОДЕРНИЗАЦИИ СТРАНЫ



Сафаров Джаконгир Исмоилович

Заведующий отделом Управления
юридического обеспечения
Кабинета Министров Республики Узбекистан,
доктор юридических наук, подполковник



За последние годы в стране проведена масштабная работа в сфере реального обеспечения надежной защиты прав и свобод человека, повышения уровня доступа граждан к правосудию, совершенствования системы противодействия преступности и профилактики правонарушений, реализации принципа состязательности в судебном процессе, совершенствования системы оказания юридической помощи и правовых услуг.

Реализованные меры позволили создать в стране эффективную систему обеспечения прав человека, отвечающую всем современным критериям демократии и прав человека. Следует отметить, что поощрение, соблюдение и защита прав человека стали рассматриваться важнейшими приоритетами государственной политики.

Президент Республики Узбекистан Ш.Мирзиёев на 25-й годовщине принятия Конституции Республики Узбекистан отметил, что один из важных социальных вопросов – предоставление людям, по заблуждению оказавшимся на преступном пути или искренне раскаявшимся в содеянном, возможности вернуться в общество, в свою семью. Ведь эти люди также являются гражданами Узбекистана.

Нужно отметить, что в соответствии с принятым накануне 25-летия Конституции Узбекистана Указом Главы государства от 6 декабря 2017 года впервые в истории нашей страны были помилованы 2700 осужденных, в том числе освобождены из колоний по исполнению наказания 956 лиц, совершивших преступления в силу различных обстоятельств, искренне раскаявшихся в содеянном и твердо

вставших на путь исправления, положительно характеризующихся по месту жительства и в учреждениях по исполнению наказания. Актом о помиловании этим осужденным предоставленна возможность скорейшего воссоединения с семьей и возвращения в общество, чтобы стать активными участниками проводимых в стране реформ.

Глава государства этим историческим Указом предоставил возможность социальной адаптации, возвращения в общество и семью лицам, преступившим закон, но осознавшим противоправность своих действий и решительно вставшим на путь исправления.

Следует отметить, что данная практика нашла всяческую поддержку и доверие населения нашей страны и положительный отклик у международных экспертов. С учетом этого, в течение 2017–2020 годы в Узбекистане помилование применялось более 10 раз. В частности, в 2018 году в преддверии праздника Рамазан-Хайит было помиловано 226 человек, ко Дню независимости – 261 лицо и в связи с 26-летием принятия Конституции Республики Узбекистан – 136 граждан.

Так, 12 июня 2018 года принят Указ Президента Республики Узбекистан «О помиловании группы лиц, отбывающих наказание в виде лишения свободы, чистосердечно раскаявшихся в содеянном и твердо вставших на путь исправления», который стал очередным важным шагом на этом пути и ярким подтверждением того, что в нашей стране жизнь, свобода, честь, достоинство и другие естественные права и интересы человека признаются в качестве высших ценностей.



Знаменательно, то что в соответствии с вышеназванным Указом впервые в истории Узбекистана помилование осуществлено в связи со священным праздником мусульман – Рамазан хайитом. Так, данным Указом помиловано 226 граждан, отбывающих наказание в виде лишения свободы, которые по неведению совершили преступления, но чистосердечно раскаялись в содеянном и твердо встали на путь исправления. Из числа помилованных 49,5% лиц освобождаются от наказания полностью, 31% – условно-досрочно, 17% –наказания заменяются более мягким, 6% – сокращаются сроки наказания в виде лишения свободы. Немаловажным является тот факт, что 35% помилованных составляют лица в возрасте выше 60 лет и женщины.

20 марта 2019 года Президент Республики Узбекистан подписал Указ о помиловании группы осужденных в связи с празднованием Навруза. Согласно настоящему Указу, помиловано 44 гражданина, семеро из них полностью освобождаются от наказания, 11 – освобождаются условно-досрочно, наказание 12 лиц заменяется более мягким, сроки заключения еще 13 человек сокращаются.



3 июня 2019 года Президент нашей страны Ш.Мирзиев подставил Указ о помиловании 575 человек в связи с одним из главных мусульманских праздников – Рамазан-хайит. 361 человек, из числа помилованных, полностью освобождаются от наказания, а для 214 человек сокращаются сроки наказания в виде лишения свободы.

27 августа 2019 года Главой государства также был подписан Указ о помиловании осужденных в связи с 28-летием независимости Узбекистана, в соответствии с которым помиловано 65 граждан, отбывающих срок наказания за совершенные преступления, чистосердечно раскаявшихся в содеянном и твердо вставших на путь исправления. Из числа помилованных 17 лиц освобождены от наказания полностью, 13 – условно-досрочно освобождены от отбытия наказания, назначенные в отношении 20 лиц наказания заменены на более мягкие. Иными словами, 50 лиц возвращены из мест лишения свободы к своим родителям, детям и близким. Также, сокращен срок наказания в виде лишения свободы, назначенный 14 лицам, а 1 лицо освобождено от наказания в виде ограничения свободы.

7 декабря 2019 года Президентом страны Ш.Мирзиёевым был подписан Указ «О помиловании группы лиц, отбывающих срок наказания, чистосердечно раскаявшихся в содеянном и твердо вставших на путь исправления», в связи с 27-летием принятия Конституции Республики Узбекистан, предусматривающей помилование 92 гражданина, которые по неведению совершили преступление, но чистосердечно раскаялись в содеянном и твердо встали на путь исправления. Следует



отметить, что из 92 человек 79 являются лицами, которые были вовлечены в деятельность запрещенных организаций.

Из числа помилованных 20 лиц освобождены от наказания полностью, 37 – освобождены от отбывания наказания условно-досрочно, назначенное в отношении 16 лиц наказание заменено более мягким, одним словом, освобождены из учреждений по исполнению наказания и сняты с учета органов службы probation 73 лица. Кроме того, сокращены сроки наказания в виде лишения свободы, назначенного в отношении 19 лиц.

Также соответствующим Указом Президента страны от 5 февраля 2020 года помилован 58 граждан, из которых 44 человека полностью освобождены из учреждений по исполнению наказания, в т.ч. 41 человек освобождены по УДО и наказание 3 человек изменены на более мягкие, 14 гражданам сокращены срок заключения.

6 марта 2020 года в связи с международным женским днем Указом Президента Республики Узбекистан помилован 83 осужденных женщин, отбывающих наказание в виде лишения свободы. Из числа помилованных 12 лиц освобождены от отбывания наказания полностью, 29 лиц – условно-досрочно, назначенное в отношении 17 лиц наказание заменено более мягким, одним словом, освобождено из учреждений по исполнению наказания 58 женщин. Также, в отношении 25 осужденных женщин сокращаются сроки назначенного наказания.

21 мая 2020 года – в преддверии празднования священного Рамазан Хайита, в соответствии с Указом

Президента Республики Узбекистан помиловано 258 граждан, отбывающих срок наказания за совершение преступлений, чистосердечно раскаявшихся в содеянном и твердо вставших на путь исправления. Из числа помилованных 16 лиц полностью освобождены от отбывания основного наказания, 101 лицо освобождены от отбывания наказания условно-досрочно, назначенное в отношении 24 лиц наказание заменено более мягким. Кроме того, сокращены сроки наказания в виде лишения свободы, назначенного в отношении 117 лиц.

27 августа 2020 года – в преддверии празднования самого дорого общенародного праздника – 29-летия провозглашения независимости нашей Родины Главой государства был подписан очередной Указ, в соответствии с которым помилованы 113 граждан, отбывающих наказания за совершение преступления, чистосердечно раскаявшихся в содеянном и твердо вставших на путь исправления.

7 декабря 2020 года – в канун 28-летие принятия Конституции Президент подписал Указ о помиловании 104 осужденных, в том числе 6 лиц полностью освобождены от отбывания основного наказания, 50 – освобождены от отбывания наказания условно-досрочно, назначенное в отношении 7 лиц наказание заменено более мягким, сокращены сроки лишения свободы, назначенные в отношении 41 лица.

Следует отметить, что помилование является конституционным полномочием Президента Республики Узбекистан. Согласно пункту 23 статьи 93 Конституции Республики Узбекистан Президент Республики Узбекистан осуществляет помилование лиц, осужденных судами Республики



Узбекистан. Механизмы реализации конституционных полномочий Президента Республики Узбекистан по осуществлению помилования определены Положением о порядке осуществления помилования в Республике Узбекистан, утвержденное Указом Президента от 8 мая 2018 года № УП-5439.

Необходимо отметить, что в Указе Президента Республики Узбекистан «Об утверждении Положения о порядке осуществления помилования в Республике Узбекистан» четко определены порядок работы и формирования состава Комиссии по вопросам помилования при Президенте Республики Узбекистан, порядок участия в его деятельности представителей парламента и общественности, четко закреплены механизмы межведомственного взаимодействия по вопросам помилования и компетенции уполномоченных органов, а также определены субъекты, основания и сроки для представления ходатайства о помиловании. Вместе с тем, оптимизированы сроки передачи ходатайства органу по исполнению наказания, то есть они сокращены с 20-ти до 10-ти дней с момента его подачи, а также предусмотрены конкретные действия ответственных государственных органов по изучению и поступивших ходатайства каждого

осужденного. Также, установлены дополнительные меры по помилованию осужденных за совершение тяжких и особо тяжких преступлений.

Отличительной чертой и особенностью помилования является то, что оно проводится по каждому осужденному индивидуально, то есть специальной комиссией проводятся индивидуальные беседы с каждым лицом, отбывающим наказание, изучаются мнения жителей махалли, где он проживал, и пострадавшей стороны, а также принимается во внимание степень тяжести совершенного преступления, справедливость и соизмеримость назначенного судом наказания степени общественной опасности совершенного деяния.

Особое внимание также обращается на чистосердечное раскаяние в содеянном, возмещение материального ущерба, наличие иных смягчающих и отягчающих вину обстоятельств, наличие судимости, в том числе погашенной или снятой, возраст осужденного, состояние здоровья, семейное положение (наличие на иждивении несовершеннолетних детей, нетрудоспособной супруги и престарелых родителей).

В результате глубокого анализа и изучения всех фактов определяется конкретный круг осужденных,





совершивших преступления по незнанию, искренне раскаявшихся в содеянном, твердо вставших на путь исправления, и в отношении именно таких лиц производится помилования, что практически исключает случайное освобождение лиц, нераскаявшихся в содеянном.

Таким образом, являясь выражением гуманизма по отношению к осужденным лицам, полностью или частично освобождая их или заменяя назначенное судом наказание на более мягкое помилование дает указанным лицам возможность начать новую жизнь, шанс на обретения свое место в обществе и внесение достойного вклада в осуществляемые в нашей стране широкомасштабные реформы. Это является ярким подтверждением того, что в основе помилования лежит принцип гуманизма, великодушие и умение прощать, что играет важную роль в перевоспитании и возвращении к нормальной жизни людей, нарушивших закон.

Более того помилование как один из видов досрочного освобождения создает для осужденных положительную перспективу, стремление жить по законам общества и соблюдать его моральные нормы помогает развивать у них навыки самоконтроля и самовоспитания. Практика помилования стимулирует положительные изменения в поведении осужденных в период отбывания наказания, о чем свидетельствует также факт о том, что никто из заключенных, попавших под указы о помилования Президента Узбекистана Ш.Мирзиёева, не вернулся обратно в колонии за вновь совершенное преступление.

Своебразным положительным опытом применения помилования в нашей страны является оказание ответственными министерствами


и ведомствами, а также институтами гражданского общества всестороннего содействия помилованным лицам в возвращении к семье и близким, социальной адаптации, привлечения их к полезному труду, выбора здорового образа жизни и занятие достойного места в обществе. С целью последовательной реализации актов о помиловании уполномоченные государственные и негосударственные организации также осуществляют необходимые организационно-правовые мероприятия по оказанию социальной помощи одиноким и престарелым, передаче несовершеннолетних под контроль родителей или попечительских органов, а также укреплению их здоровья.

Оказание помилованным лицам материальной и моральной поддержки, помощи в трудоустройстве, несомненно, будет способствовать выбору этими людьми правильного пути в жизни, что в свою очередь обеспечивает высокую эффективность института помилования, способствует оздоровлению общественной атмосферы, укреплению стабильности в обществе.

В заключение необходимо отметить, что осуществляемые в нашей стране широкомасштабные демократические преобразования, отражение в национальном законодательстве присущих нашему народу таких качеств, как великодушие и помилование, доброта и милосердие, являются важным фактором дальнейшей надежной защиты интересов человека и реализуют закрепленные в Конституции Республики Узбекистан такие общечеловеческие ценности, как гуманизм, признание высшей ценностью человека, его жизни, свободы, чести, достоинства и других неотъемлемых прав.



ХУЖЖАТЛИ ТАФТИШ ТАЙИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ, ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ҲАМДА ТАКТИК ЖИҲАТЛАРИ



**Зокиров Азиз Азамович
Тергов департаменти жиноятларни
тергов қилиш бошқармаси
катта терговчиси,
подполковник**



Бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятини, шунингдек тадбиркорларни қўллаб-куватлаш мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашиш давлат сиёсатига зид ҳаракат деб баҳоланиши барчамизга маълум.

Бироқ, хуфиёна иқтисодиёт, умуман, иқтисодий жиноятларнинг мавжудлиги ва давом этиши мамлакатнинг иқтисодий тизимиға, қолаверса, фуқароларнинг манфаатларига катта зарар етказади. Иқтисодий соҳадаги қўплаб жиноятлар тадбиркорлик ниқоби остида содир этилмоқда. Қонун устуворлиги принципини таъминлаш, содир этилган ҳар қандай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан ички ишлар органларининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Шиддат билан ривожланаётган жамиятда ҳар-бир соҳа вакили етук билим ва юксак савия эгаси бўлишини тақозо этмоқда. Амалиётда қўплаб вазиятларда терговчиларнинг жиддий хатоларга йўл қўйишига уларнинг етарлича билим ва малакага эга эмаслиги сабаб бўлаётганлигига қўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан тафтиш тайинлаш билан боғлиқ текширишлар ўtkазish ҳам ҳар бир терговчи ёки суриштирувчидан ўзига хос алоҳида маҳоратни талаб қиласди.

Тадбиркорлик субъектининг фаолиятига ноқонуний аралашиш бу борада йўл қўйган жиддий хатоларимиз эса, давлат сиёсатига зид ҳаракат деб баҳоланишини, шунингдек Жиноят кодексининг 192²-моддасида "Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш" ҳаракати учун жиноят жавобгарлик белгиланганлигини унутмаслик лозим.

Тафтиш тайинлаш билан боғлиқ

текширишлар бир қарашда мураккаб кўринса-да, аслида мавжуд нормаларни билиш, уларни амалда қўллай олиш бу жараённинг уччалик ҳам мураккаб эмаслигини англатади. Бугунги кунда амалиётда бу каби текширишларда хатога йўл қўйиш таҳди迪 остида терговчиларни ушбу текширишлардан қочаётгани ёки ҳуқуқий баҳо беришда қўйналаётганликлари айни ҳақиқат. Терговчининг билимли, юқорисалоҳиятли, зукко ва холис бўлиши тафтишнинг тўғри ўтказилишини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади.

Муқаддам мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган, кўп тармоқли иқтисодиёт ва тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари яхши шаклланмаганлиги ёки такомиллашиб жараёнлари якунига етмаганлиги сабабли, дастлабки терговда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тафтиш қилишнинг процессуал тартиби қонунчиликда ўз аксини топмаган эди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (кейинги ўринларда – ЖПК) нинг 87-моддасида тафтиш тайинлаш йўли билан далиллар тўплаш мумкинлиги қайд этилган бўлсада, бироқ тафтиш тайинлаш асослари, ўтказиш тартиби процессуал жиҳатдан тартибга солинмаган эди.

Айнан мазкур ҳолат "тафтиш тайинлаш далиллар тўплашнинг процессуал асосими ёки нопроцессуал воситасими"-деган, ҳақли савонни келтириб чиқаради.

Баъзи олимлар жиноят иши қўзғатиш босқичида тайинланган тафтиш махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг нопроцессуал (далилий аҳамиятга эга бўлмаган) шакли degan фикрни илгари сурғанлар. Улар тафтиш ўтказиш тартиби ЖПКда тартибга солинмаганлиги, тафтишчи ёлғон хулоса берганлик учун жиноят жавобгарликка тортилмаслиги, экспертдан фарқли равишда тафтиш жараённида жиноят процессининг иштирокчилари билан тергов ва суднинг рухсатисиз учрашиши ва тафтиш материалларини мустақил равишда йиғиши, яъни ўзининг нуқтаи



назарига мос материалларни йиғиш хавфи мавжудлиги, эксперт каби холислик ва фаолиятига аралашмасликнинг қонуний кафолатлари мавжуд эмаслигини асос қилиб кўрсатганлар.

Масалан, ҳуқуқшунос олимлар А.С.Пантелеев ва А.Л.Звездин ҳам тафтишчиларга нисбатан маҳсус талаблар баён қилинган норматив ҳужжатлар мавжуд эмаслигини қайд этадилар.

Амалдаги қонунчилигимизда ҳам тафтишнинг далилий аҳамиятига икки хил ёндашув мавжудлигини кўриш мумкин. Масалан, ЖПКнинг 87 ва 329-моддаларида тафтиш далилларнинг мустақил манбай сифатида қайд этилиб, ҳаттоқи экспертизага тенглаштирилган, бироқ 172 ва 202-моддаларида бошқа ҳужжатлар қатори ёзма далил сифатида кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сонли "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик мухитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони йиллар мобайнида ўз ечимини топмасдан келаётган мазкур муаммони ҳал қилиш йўлида мухим қадам бўлди.

Фармон талабларидан келиб чиқиб, 2016 йил 30 декабрда Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-418-сонли "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик мухитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганилиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" қонуни қабул қилинди.

Ушбу қонун асосида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига "Тафтиш" деб номланган 22¹-боб киритилиб, тафтиш тайинлаш учун асослар, тафтиш тайинлаш, тафтиш

ўтказиш учун тайинланадиган шахслар, тадбиркорлик субъектларини тафтишдан ўтказиш шартлари, тафтиш ўтказиш тартиби, айrim ҳолларда тафтиш ўтказиш тартиби, тафтиш ўтказиш муддатлари, тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатнома, қўшимча ёки қайта тафтиш, текширилаётган субъект мансабдор шахсларининг ёки вакилларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, тафтиш ўтказувчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари аниқ белгилаб берилди.

Мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар тафтиш далиллар тўплаш воситасими ёки воситаси эмасми, тафтишнинг далилий аҳамияти мавжудми деган принципиал масалани узил-кесил ҳал қилди.

Жиноят ишларини тергов қилиш давомида тайинланадиган бошқа тергов ҳаракатлари каби тафтиш ҳам исботлаш предметига тааллуқли маълумотларни аниқлаш ва тўплашни ўз олдига мақсад қиласди.

Юқорида таъкидланганидек, тафтиш тайинлаш асослари ва ўтказиш тартиби ЖПКнинг "Тафтиш" деб номланган 22¹-бобида белгиланган бўлса-да, бугунги кунда амалиётда бу борада терговчилар томонидан кўплаб саволлар туғилмоқда. Шу нуқтаи назардан мазкур боб умуман тафтиш тайинлашнинг айrim жиҳатларини ва тафтиш вақтида терговчи қандай ҳаракат қилиши лозимлигини ёритиб бериш борасида янада такомиллаштирилиши даркор.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги қонунининг 3-моддасида молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) – солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослашдир, деб белгиланган.

Тафтиш – маҳсус иқтисодий



билимларга эга бўлган мутахассис томонидан, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг топшириғи (қарори) асосида, жиноят иши юзасидан исботлаш предметига киравчи ҳолатларни аниқлаш мақсадида, ҳужжатли ва фактик назорат усулларини қўллаган ҳолда хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 187¹-моддаси "Тафтиш тайинлаш учун асослар" деб номланган бўлиб, унда тафтиш аҳамиятли бўлган ҳолатлар ҳақидаги маълумотларни бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таққослаб кўриш йўли билан олиш мумкин бўлган ҳолларда тайинланиши, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг маҳсус билимларга эга эканлиги тафтишни тайинлашдан озод этмаслиги белгиланган.

Шунингдек, "Тадбиркорлик субъектини тафтиш қилиш фақат унинг қонун ҳужжатларини бузганлиги фактлари бўйича қўзғатилган жиноят иши доирасида амалга оширилади. Бунда тафтишга тадбиркорлик субъектининг фақат қўзғатилган жиноят иши билан боғлиқ фаолияти қамраб олиниши мумкин" деган норма мустаҳкамлаб қўйилди.

Мазкур норма асосида кўп ҳолларда амалиётда тафтиш фақатгина қўзғатилган жиноят иши доирасида амалга ошириллади, терговга қадар текшириш давомида амалга оширилмайди, деган асоссиз фикрлар ҳам мавжуд.

Бироқ, ушбу модданинг учинчи қисмида "Жиноят иши қўзғатилгунига қадар тафтишни тайинлашга фақат қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибида йўл қўйилади" деган норманинг киритилиши жиноят иши қўзғатилишидан олдин мавжуд мурожаатлар бўлган ҳолларда ҳам терговчи ёки суриштирувчи тафтиш ўтказиш учун асос эканлигини ва мазкур модданинг иккинчи қисми билан учинчи қисми айнан бир-бируни инкор қилувчи эмас, балки тўлдирувчи нормалар эканлигини унутмаслик лозим.

Шу ўринда, ўринли савол туғилади, яъни жиноят иши қўзғатилгунига қадар тафтиш тайинлашга қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида йўл қўйилади ва қандай тартибида ўтказилади?

Бунда, биринчи навбатда, 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонунда назарда тутилган ҳолатлар инобатга олиниши лозим. Мазкур қонун кейин киритилган қўшимчча ва ўзгартиришлар билан ҳозир амалда қўлланилиб келинмоқда.

2016 йил 30 декабря Узбекистон Республикасининг ЎРҚ-418-сонли Узбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун билан ушбу «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонунга ҳам бир қатор ўзгартиришлар киритилган.

Ушбу қонунга "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Узбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун билан қўшимчалар киритилган бўлиб, 2-моддаси 3-қисм билан тўлдирилган, унда" Терговга қадар текширишлар чоғида ва қўзғатилган жиноят ишлари бўйича молия-хўжалик фаолияти текширувларини ўтказиш тартиби жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши белгиланган.

ЖПКда терговга қадар текшируv ўтказишнинг асослари унинг 329-моддасида, яъни жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш тартиби белгиланган бўлиб, ушбу модданинг иккинчи қисмида терговга қадар текшириш давомида амалга оширилиши



лозим бўлган ҳаракатлар белгиланган, улар қаторида ҳужжатли тафтиш тайинлаш ҳам кўрсатилган.

Демак, мазкур моддалар, яъни ЖПКнинг 187¹-моддаси 3-қисми ва 329-моддасининг 2-қисмлари асосида, мавжуд мурожаатга асосан, терговга қадар текширув ҳаракатлари чоғида ҳужжатли тафтиш тайинлаш мумкин ва бу тўлиқ асосли ҳисобланади.

Шу ўринда бу борада эътибор бериш лозим бўлган қўйидаги норматив жиҳатларни унутмаслик лозим:

Биринчидан, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддаси “Режадан ташқари текшириш” деб аталган бўлса, 2016 йил 30 декабрда Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-418-сонли қонуни билан янги номи “Қисқа муддатли текшириш” деб номланган. Терговга қадар текшириш чоғида амалга ошириладиган текшириш ҳам қисқа муддатли текширув деб номланиши ва Солиқ кодекснинг 187-моддасига кўра 10 кун муддат давомида амалга оширилиши ҳамда ушбу текширишни амалга ошириш учун суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан қарор чиқарилиши даркор.

Иккинчидан, 2018 йил 27 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинган бўлиб, ушбу фармоннинг 5-бандида:

назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган барча текширувлар электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олиниши шартлиги;

текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олинмаган тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувлар ноқонуний ҳисобланиши;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ташаббуси билан чиқиш тегишли тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунбузарлик содир этиш хавфи даражасидан келиб чиқиб, текширувни амалга оширишни назарда тутувчи «хавфни таҳлил этиш» тизими натижалари асосида амалга оширилиши;

2019 йил 1 апрелдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни мувофиқлаштириш ва назорат қилувчи органлар томонидан текширувлар ўтказилишининг қонунийлиги устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (кейинги ўринларда – ваколатли орган) томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Ушбу қоидаларга мувофик, текширувларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилдан рухсат ва текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олган ҳолда амалга ошириш лозим бўлади.

Учинчидан, терговга қадар текширув пайтида, яъни жиноят иши қўзғатилишидан олдин тафтишни амалга оширган мутахассис жиноят иши қўзғатилганидан кейин тайинланадиган тафтиша иштирок этиши мумкин эмас.

Бу ўринда ЖПКнинг 78-моддасига эътибор бериш лозим, ушбу моддада “экспертнинг, мутахассиснинг, таржимоннинг, холиснинг ишда иштирок этишига монелик қиласидиган ҳолатлар” белгиланган бўлиб, унга кўра материаллари ишнинг қўзғатилишига асос бўлган тафтиш ёки ўзга идоравий текширув ўтказган шахс ушбу ишда эксперт ёки мутахассис сифатида иштирок этишга ҳақли эмаслиги белгиланган.

Тафтиш тайинлаш тўғрисидаги қарорда кўрсатилиши лозим бўлган ҳолатлар юзасидан муқаддам амалиётда турлича ёндашувлар бўлганлиги туфайли



ҳар хил қарашлар шаклланган эди. ЖПКнинг 187²-моддаси тафтиш тайинлаш қарорида кўрсатилиши шарт бўлган бешта ҳолатни белгилаб бериб, мазкур тафавутларни бир қолипга солишга хизмат қилди, десак асло муболага бўлмайди.

Амалиётда экспертиза тайинлашда эксперталрга "иш учун аҳамиятли бўлган бошқа саволларга ҳам жавоб топиш ваколати берилсин" деган жумла экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорда келтирилади. Бироқ, тафтиш тайинлашда бу каби ҳолатга зинҳор йўл қўйиб бўлмайди, сабаби мазкур модданинг учинчى қисмида "Тафтиш ўтказиш чоғида тафтишни тайинлаш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда кўрсатилмаган масалани ёки масалалар доирасини, шунингдек молия-хўжалик фаолиятининг даврини ўрганиш таъқиқланади" деган норма киритилган.

ЖПКнинг 187³-моддаси ҳам Прокуратура ҳузуридаги Департамент, Солик, Молия вазирлиги мутахассислари ҳамда зарур бўлган ҳолларда терговчи қарори билан бошқа давлат органлари ва ташкилотларнинг ходимлари ҳам тафтиш ўтказиш учун жалб этилиши мумкинлигини белгилаб, бу борадаги турли қарама-қарши фикрларга аниқлик киритди.

ЖПКнинг 187⁷-моддасида тафтиш ўтказиш муддати ўттиз календарь кундан иборат эканлиги белгиланган бўлиб, зарур ҳолларда тафтиш ўтказувчи шахснинг илтимосномаси бўйича суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки ўринбосарининг розилигига кўра ёхуд суднинг ажрими билан ушбу муддат узайтирилиши мумкинлиги тўғрисидаги норма киритилган. Ушбу ҳуқуқий норма тадбиркорларни асоссиз равишда бир неча ойлаб текшириш ҳолатларига барҳам берди.

Иккинчи томондан, агар терговчи тафтиш ўтказиш чоғида маълум бир ҳолатларга эътибор бермаса, белгиланган муддатда тафтишни тамомлаши ва дастлабки тергов муддатида жиноят

иши юзасидан ҳуқуқий баҳо беришида қийинчиликлар туғдирали.

Тафтиш жараёнида терговчи ўрганиши ва эътибор бериш керак бўлган жиҳатлар:

текширилаётган корхона, ташкилот, муассасанинг фаолиятини тартибига соловчи ҳуқуқий асослар доирасини тўлиқ аниқлаши ҳамда мазкур ҳуқуқий нормаларнинг мазмун-моҳиятини батафсил ўрганиб чиқиши;

тафтиш ўтказувчининг фаолиятини ва аниқлаётган ҳар бир ҳолатини доимий равишда ўрганиш ва назорат қилиб бориш;

тафтишчидан тафтиш жараёни, натижалари, аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар ва қўшимча равишда жалб қилиниши зарур бўлган мутахассислар хақида маълумотларни олиш ва тегишли қарор қабул қилиш;

тафтиш ўтказишнинг белгиланган тартиби бузилганлиги, тафтишчининг холислигига шубҳа туғдирувчи маълумотлар мавжуд бўлганида ёки тафтишни тамомлаш учун билим ва малакаси етарли эмаслиги аён бўлса, бошқа тафтишчини жалб қилиш масаласини кўриб чиқиши;

бошқа соҳадан мутахассислар жалб қилиш, инвентаризация, назорат ўлчови, фактик назорат усусларини қўллаш масаласини ҳал қилиш;

тафтиш жараёнида аниқланган ҳолатлар ва тергов тактикасидан келиб чиқиб, тафтишчига йўналиш бериш;

ишдан бўшаган ва қаердалиги номаълум бўлган мансабдор ва моддий жавобгар шахсларнинг тафтиш жараёнида иштирок этишини таъминлаш;

терговга маълум бўлган айрим ҳолатлар, тезкор маълумотлар, гумон қилинувчи ва айланувчиларнинг кўрсатмаларини текшириш мақсадида, тафтишчига кўрсатмалар бериш;

тергов муддати ёки айланувчиларни қамоқда сақлаш муддати тафтишни тўлиқ ҳажмда якунлаш имконини бермаса, тафтишнинг қамоқда сақлананаётган



айбланувчиларга тегишли қисмини тамомлаш ва оралиқ далолатнома шаклида расмийлаштириш ҳақида күрсатма бериш;

тафтишнинг тўлиқ ва холисона бўлиши учун бошқа турдаги экспертизалар, масалан, товаршунослик, хатшунослик экспертизалари тайинлаш масаласини ҳал қилиш;

тафтишчининг фаолиятини жиноят иши учун муҳим бўлган далилларни аниқлашга йўналтириш;

тафтишчи томонидан иш учун муҳим бўлган ҳолатлар аниқланниб, расмийлаштирилганидан сўнг тафтиш якунини кутмасдан, аниқланган ҳолатлар юзасидан сўроқ ва бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш;

мутахассислар томонидан берилган хуносаларда келтирилган маълумотларнинг асослилиги, аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари шахслар кесимида ва даврлар кесимида ажратилганлиги ҳолатларини тўлиқ текшириб ўрганиш;

тафтишчининг далолатномаси юзасидан албатта сўроқ қилиш лозим бўлса, сўроқ баённомасига далолатномани кўчириб қўйиш амалиётидан воз кечиб, аниқланган ҳар бир қонун бузилиши ҳолатини қандай келиб чиққанлигини ўрганувчи саволлар берган ҳолатда ёритиш;

амалиётда ҳар бир гувоҳни сўроқ қилиш учун режа тузилмаслиги, олдиндан тайёргарлик кўрилмаслиги мумкин, бироқ тафтишчини сўроқ қилишда тафтиш далолатномаси билан танишиб, тафтишчига бериладиган саволлар ҳажми ва мазмунини белгилаб, олдиндан тайёргарлик кўриш;

шунингдек, тафтиш давомида солиқ ёки бошқа мажбурий тўловдан бўйин товлаш, савдо қоидасини бузиш ва шу каби ЖК диспозициясида ўттиз кунлик муддат берилиши назарда тутилган жиноятлар содир этилганлигини ўз вақтида аниқлаб, тафтишнинг ушбу қисми юзасидан оралиқ далолатнома олиб, белгилangan ўттиз кунлик муддатни ўз

вақтида бериши ва ҳоказо.

Бу каби ҳолатларга тафтиш вақтида эътибор билан ёндашиш лозим.

Амалиётда тафтиш тайинлаш билан боғлиқ кўпгина ҳолатларда, тадбиркорлик ниқоби остида жиноят содир этган шахсларнинг фақат ўзигагина, яъни шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилаётгани, уларни маълум бир тадбиркорлик субъектининг мансабдор шахсига нисбатан деб қўзғатмаслик ҳолатлари учраб турибди.

Бу эса, ЖПКнинг 187¹-моддаси талабидан келиб чиқиб, жиноят ишида мавжуд маълумотларни текшириш ва далил сифатида қайд этиш учун зарур бўлган тафтиш тайинлашга тўсқинлик қилмоқда.

Бу каби ҳолатларда тадбиркорлик субъекти мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилганда ЖПКнинг 331-моддаси талаби, яъни тадбиркорлик субъектига нисбатан жиноят ишини қўзғатишга фақат Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорларининг розилиги билан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки ўринбосарининг розилиги билан йўл қўйилиши тўғрисидаги қонун талабини эсдан чиқармаслик даркор.

Бундан ташқари, иккита хўжалик юритувчи субъект ўртасидаги амалга оширилган молиявий операцияда аниқланган қонун бузилиши ҳолатида жиноят аломатлари мавжуд бўлганда ҳар иккала субъектга нисбатан жиноят иши қўзғатиш ўрнига фақат биттасига нисбатан жиноят иши қўзғатиб, кейинчалик иккинчи субъектни текшириш ишларини амалга ошириш ҳолатини қонунан маҳрум қилиб қўймоқда. Иккинчи тадбиркорлик субъектига нисбатан айнан шу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиши натижасида бир ҳолат иккита жиноят сифатида қайд этилиб, бу ҳисоботларда сунъий равишда жиноятлар ошишига сабаб бўлиб қолаётганлигини эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Хулоса сифатида шуни айтиш



мумкинки, тафтиш тайинлаш ва уни ўтказиш мураккаб жараён эмас. Тафтишнинг ҳуқуқий асосларини, уни ўтказиш тактикаси ва самарали жиҳатларини батафсил ўрганиш орқали бу турдаги ҳуқуқбузарликларга барҳам бериш, шу йўл билан хуфиёна иқтисодиётнинг камайишига эришиб,

жамият тараққиётига катта ҳисса қўшиш мумкин. Аслида, ҳар бир терговчи, зеро ҳар бир ички ишлар органи ходимининг асосий вазифаси ҳам давлат, пировардида ҳалқ манфаатларига хизмат қилишdir.






СОВРЕМЕННЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ ПРИ ИССЛЕДОВАНИИ МАРКИРОВОЧНЫХ ОБОЗНАЧЕНИЙ ТРАНСПОРТНЫХ СРЕДСТВ



Ромаданова Таисия Александровна

Ведущий эксперт лаборатории
судебно-баллистических и
трасологических экспертиз РЦСЭ
им.Х.Сулеймановой



Развитие автомобильной промышленности с одной стороны, а с другой высокий уровень подготовки, оснащенности различных криминальных группировок, а также их осведомленность о структуре и особенностях маркирования транспортных средств зачастую не позволяет эксперту путем исследования маркировочных обозначений, нанесенных на кузове, установить содержание идентификационного номера транспортного средства. Более того, преступники хорошо ориентируются в маскировке автомобилей, ранее просто перебивая маркировочные номера на кузове (шасси), а в последние годы, используя для этой цели компьютерные технологии, например, внесение изменений в содержание идентификационного номера электронных блоков управления транспортных средств.

В связи с этим, обозначилась необходимость в исследовании новых возникающих объектов, посредством как собственно криминалистических, так и заимствованных методов, освоении используемых при этом технических средств.

Но главное заключается в назревшей необходимости пересмотра существовавшего до недавнего времени подхода к исследованию маркировочных обозначений на транспортных средствах. Вместе с тем, в настоящее время экспертное исследование маркировочных обозначений транспортных средств не имеет самостоятельного статуса, должного положения в классификации судебных экспертиз, не разработана современная частная методика установления первоначальных маркировочных обозначений автомобиля. В связи с этим, имеются неразрешенные вопросы правового и организационного характера при производстве таких исследований, а также международного сотрудничества в целях получения значимой для проведения экспертиз информации. Изучение современного состояния экспертизы маркировочных обозначений транспортных средств имеет существенное практическое и теоретическое значение, так как позволяет разработать новые методические подходы и широко использовать возможности экспертизы в целях



идентификации похищенных транспортных средств¹.

Важную роль в формировании теоретических основ экспертизы маркировочных обозначений играет наука трасология. Между ними проявляется сходство относительно исследования изделий массового производства. Как известно, в трасологии оно является одним из видов, а в экспертизе маркировочных обозначений ТС многие объекты исследования являются такими изделиями. На современное состояние экспертизы маркировочных обозначений ТС влияют достижения научно-технических отраслей, отражающиеся в современных методах, применяемых при исследовании объектов экспертизы².

Экспертиза маркировочных обозначений как частная теория формируется в соответствии с общими для всех частных теорий принципами. Современное состояние экспертизы маркировочных обо-

значений ТС характеризуется процессом интеграции в нее знаний из других наук, что обуславливает видоизменение имеющихся и формирование новых предметов, объектов, методов. Следствием этого является процесс дифференциации, который приводит, в конечном итоге, к формированию различий между экспертизой восстановления уничтоженных маркировочных обозначений и исследованием маркировочных обозначений ТС, а затем и самостоятельному положению данного исследования. Этому способствовали современные достижения науки и техники, а также уровень криминального изменения (способов) идентификационного номера автомобиля, а также дублирующих маркировок.

В связи с внедрением новых научных достижений в экспертную практику при исследовании объектов экспертизы маркировочных обозначений ТС все чаще применяются комплексы разнородных ис-



1 Чеснокова Е.В. Экспертное исследование маркировочных обозначений на транспортных средствах, связанных с их незаконным владением. – М., 2007.

2 Волынский В.А. Криминалистическая техника. Наука, техника-человек. – М., 2000.



следований. Комплексный подход с одной стороны, обусловлен синтезом информации из нескольких наук: трасологии, автотехники, химии, технико-криминалистического исследования документов, а также компьютерной отрасли и технологии производства транспортных средств.

Это объясняется большим количеством исследуемых в его рамках объектов, а также наличием комплекса методов и способов, предназначенных для исследования соответствующих объектов, как уже имеющихся в арсенале эксперта, так и относительно недавно приобретших свое значение для исследования (например, использование баз данных официальных дилеров, метод технической диагностики электронных блоков управления автомобилей зарубежного производства, магнитооптический метод и т.п.).

В результате расширения круга объектов исследования, начиная от элементов комплектации (например, коробка переключения передач определенного типа, обивка салона и т.п.), основного номера на кузове транспортного средства, маркировочных табличек, наклеек и заканчивая блоками электронного управления, решаются не только трасологические, но и вопросы технико-криминалистического исследования документов, химии, компьютерно-технической экспертизы, технологии производства и т.д. Таким образом, при комплексном подходе к исследованию обеспечивается взаимодействие различных наук. В связи с чем, целесообразно выделить исследование маркировочных обозначений ТС в самостоятельный вид.

Способы изменения маркировки вне заводов-изготовителей следует отличать от исправлений ошибочно нанесенных знаков, всей маркировки в целом на предприятии-изготовителе. При обнаружении признаков, свидетельствующих об изменении маркировки, необходимо определить, в результате чего они возникли.

Часть признаков образуется как при ручной набивке или исправлении ошибки на предприятии-изготовителе, так и при подделке маркировочных данных. Другая

часть - только при подделке. Вопрос о подделке может быть решен при проведении соответствующего исследования в экспертно-криминалистическом подразделении.

Основные способы изменения маркировочных обозначений можно условно разделить на две группы.

Для первой группы, сопровождающейся уничтожением первичной маркировки, характерно удаление участка, части или всей маркировочной панели и замена их на другие. Для идентификации ТС в этом случае необходим комплексный анализ.

При использовании способов изменения маркировки второй группы сохраняется первичная маркировка или ее следы и принципиально возможно ее выявление. Ко второй группе можно отнести следующие распространенные способы изменения маркировочных данных, которые достигаются путем:

- добивки недостающих элементов в знаках первичной маркировки, имеющих сходное начертание со знаками требующейся (вторичной) маркировки поверх знаков первичной, (например: 1-4, 6-8, 3-8);

- забивания (зачекивания) отдельных знаков первичной маркировки и нанесения на их место других. Лишние элементы знаков заполняют пластичными массами или заплавляют и окрашивают, (например: 4-1, 8-3);

- углубления участка маркировки, нанесения на первичную маркировку слоя металла или пластичной массы и тиснения на полученной поверхности рельефа требуемой (вторичной) маркировки с последующей окраской участка кузова;

- углубления участка с маркировкой и закрепления на этом месте (сваркой или наклеиванием) участка панели с иной маркировкой.

К признакам, свидетельствующим об изменении маркировки кузова, относятся:

- нечеткое начертание знаков, их смешение по вертикали, различные интервалы и глубина, отличия конфигурации знаков от образцов, посторонние штрихи



в знаках;

- следы обработки поверхности под слоем эмали, увеличение толщины покрытия, а также наличие остатков шпаклевки или иных материалов на участке маркировки;

- различие лакокрасочного покрытия (ЛКП) маркировочной панели и прилегающих участков, наличие следов опила (частиц) эмали на близлежащих деталях;

- несовпадение маркировки с ее отображением на обратной стороне панели и следы забивания знаков на ней, локальное увеличение толщины панели;

- сварные швы на маркировочной панели, соединение панелей сварными швами, следы сверления точек сварки и имитация точечной контактной сварки (заполнение отверстий расплавами олова или латуни) и т.п.³.

Способы подделки маркировочных данных обуславливают методы поиска и анализа «посторонних дефектов» в структуре металла под слоем лакокрасочного покрытия (ЛКП), таких, как наличие сварного шва, зашпатлеванные элементы знаков, имитация точечной сварки и т.п.

В ряде случаев выявление факта изменения маркировки не вызывает серьезных затруднений и может быть осуществлено в процессе осмотра. Сложнее выявить первоначальное значение измененных маркировочных обозначений. В таких случаях, прежде всего, применяются современные приборы неразрушающего контроля, в качестве инструментальных методов исследования. Очевидным преимуществом дан-

ных методов исследования от, к примеру - химического, является то, что они не приводят к утрате первоначальных свойств объекта, есть возможность их многократного применения, т.е. данные методы являются не разрушающими, следовательно, всегда есть возможность их перепроверки, в случае проведения повторных исследований.

К инструментальным методам исследования относится использование следующих приборов: вихревые дефектоскопы (например, «Контраст-М» г.Воронеж; МВД-2, МВД-3 г.Казань; ВИ-96Н г.Москва); магнитопорошковые дефектоскопы (например, МДЭ-20Ц, разработанные в ЦНИИТМаше); рентгеновские дефектоскопы (например, «Рентген-30-2» МНПО «Спектр»; МИРА-2Д и др.); магнитный толщиномер (например, МТ-41НУ конструкции МНПО «Спектр»). Отдельно, хотелось бы выделить магнитооптический прибор (Регула-7505М) и устройство вихревого магнитографирования (Регула-7515М).

Опыт эксплуатации указанных технических средств показывает, что они наиболее приемлемы для нужд практических работников (портативность, возможность работы в полевых условиях, универсальность и др.). Данные приборы позволяют обнаруживать изменения маркировки, связанные с ввариванием участка панели, заменой части панели, наложением на имеющуюся маркировку фрагмента панели с новой маркировкой. Несомненные достоинства инструментальных методов - простота и наглядность. Вместе с тем, химический метод является наиболее рас-



³ Исследование маркировочных данных автомототранспортных средств. Учебное пособие под ред. С.Митричева. – М., 1995.



пространенным классическим способом восстановления первоначальных маркировочных обозначений. При проведении исследований используются как инструментальные методы (при наличии оборудования), так и химический метод, т.к. он зарекомендовал себя, как наиболее простой и надежный.

Практика исследования маркировочных данных ТС сложилась таким образом, что объектами исследования являются только маркировочные площадки, с нанесенными на них обозначениями, и заводские таблички. Подобное необоснованное сужение круга объектов исследования снижает возможности решения вопроса о подделке маркировочных данных, получения ориентирующей информации для проверки ТС по учетам и т. д.

К исследованию маркировочных данных ТС необходимо подходить шире. Только комплексный подход обеспечивает достоверность и полноту результатов исследования. Он предполагает тщательный анализ определенной совокупности особенностей, характеризующих данный автомобиль. Как уже было отмечено, это: исследование регистрационных документов ТС; установление года выпуска автомобиля;

ля, его модели и, если возможно, модификации, а также соответствия кузовных деталей и основных комплектующих узлов и агрегатов модели автомобиля году его выпуска; осмотр и при необходимости исследование лакокрасочного покрытия и следов перекраски или ремонтной подкраски; определение расположения маркировки в зависимости от модели и года выпуска ТС; исследование соединений маркируемых деталей (панелей) с прилегающими, креплений заводских табличек; исследование дополнительной и скрытой маркировки; исследование целостности маркируемых деталей; исследование особенностей маркировочных площадок (формы), фактуры поверхности; исследование самой маркировки (содержание, способ нанесения, конфигурация, взаиморасположение и т.п.); выявление первичной маркировки при наличии признаков ее изменения.


Результатом исследования должно быть решение задачи о подлинности маркировки, содержании первичной маркировки и, в необходимых случаях, составление запроса для проверки ТС по учетам угнанных и похищенных ТС.





ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ ВА БУГУНГИ КУНДАГИ ДОЛЗАРБЛИГИ

СУРИШТИРУВ ВА ТЕРГОВ
МАСАЛАСИДА



Тоиров Иззатилло Аъзамович

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаменти
тергов фаолиятини ташкиллаштириш
бошқармаси катта терговчиси,
капитан



ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ



Давлат органлариға мурожаат қилиш тартиби

Мурожаатларнинг турлари:

АРИЗА ТАКЛИФ ШИКОЯТ



Мурожаат усуллари:

ташкilotта шахсан борган ҳолда, ишончли вакили орқали, поча орқали юбориш, ишонч телефони орқали, веб-сайт орқали, ташкilotни электрон манзили орқали, сайёра ва оммавий қабуллар орқали.

Мурожаатларнинг шакли:



ОҒЗАКИ

Давлат органининг "ишонч телефони"га келиб тушган мурожаат **оғзаки мурожаат** тарзида қайд этилади. Оғзаки мурожаатлар тезкор алоқа телефонлари орқали ва видеоконференцлаоқа воситасида ҳам берилishi мумкин.



ЭЛЕКТРОН

Давлат органининг расмий веб-сайти ёки расмий электрон поча манзилига келиб тушган мурожаат **электрон мурожаат** тарзида қайд этилади.



ЁЗМА

Ёзма мурожаат имзо билан тасдиқланган бўлиши лозим.
Жисмоний шахс оғзаки мурожаат этаждан ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, юридик шахснинг вакили эса ўз ваколатларини тасдиқлайдиган ва ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши керак.

- Мурожаат қўйилган **масалани ҳал этиш ваколатига кирадиган** давлат органига ёки юқори турувчи органга берилади;
- Мурожаатлар, уларнинг шакли ва туридан қатъий назар, **бир хил аҳамиятга эга**;

- Мурожаат **давлат тилида ва бошқа тилларда** берилishi мумкин;

- Мурожаатга **жавоб хати**, мумкин қадар, мурожаат этилган тилда баён қилинади.



Ариза ёки шикоят келиб тушган кундан эътиборан **15 кунда** (кўшимча ўрганиш талаб қилинганда 1 ойгача) кўриб чиқилади.

Таклиф келиб тушган кундан эътиборан **1 ойгача** бўлган муддатда кўриб чиқилади (кўшимча ўрганиш талаб этилса, мурожаатчига 10 кун муддатда хабар қилинади).

Мурожаатдаги масала бошқа органга тегишли бўлса, **5 кун** муддатдан кечиктирмай тегишли органларга юборилади, бу ҳақда мурожаатчига хабар қилинади.

Қуйидаги мурожаатлар қўриб чиқилмайди:

- * аноним мурожаатлар;
- * жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда;
- * қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.



Бугунги кунда Ўртбошимиз томонидан хукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг олдига қўйган асосий вазифалардан бири, бу жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини адолатли ва ҳаққоний кўриб чиқиш, уларнинг дардини эшитиш, қонун устуворлигини таъминлаш, хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, шунингдек, фуқароларни давлат ҳокимииятига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, давлат органларининг ҳалқни ичига кириб бориши, уларнинг узонини яқин қилиш, давлат хизматчилари томонидан уларнинг ариза, шикоят ва таклифларини ҳар томонлама тўла ва холисона ўрганиб чиқиш ҳамда фуқароларни давлат ҳокимииятига бўлган ишончини янада оширишдан иборат тизимни шакллантиришdir. Ўтган давр мобайнида бу борада бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Хусусан, 2016 йил 28 декабряда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига асосан Ҳалқ қабулхоналари, виртуал қабулхоналар ҳамда ишонч телефонларининг ташкил этилиши фуқароларнинг мушкулини бир мунча осонлаштириди. Эндиликда фуқаролар давлат органлariга бориб вақтини сарфлаб, сарсон-саргардон бўлиб юрмасдан, яшаш хонадонидан туриб ҳам мурожаат қилиш имконияти яратилди. Бундан ташқари, давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини бевосита кўриб чиқишининг самарали тизими йўлга қўйилди. Бу эса, фуқароларнинг мурожаат қилиш имкониятлари доирасини янада кенгайтириб, уларга бир қатор қулайликларни яратди.

Бундан ташқари, 2017 йил 11 сентябрда қабул қилинган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги янги таҳрирдаги Ўзбекистон

Республикаси қонунининг қабул қилиниши ҳам фуқароларнинг мурожаат қилиш имкониятлари доирасини кенгайтириб, уларга бир қатор қулайликлар яратилди. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тубдан такомиллаштирилди.

Жумладан, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг 38-моддасига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишига ваколатли орган, ташкилот ва муассасалар мансабдор шахсларининг жавобгарлик масаласи кучайтирилди. Бу эса, ҳар бир келиб тушаётган мурожаатларни албатта кўриб чиқиш масъулиятини оширибгина қолмасдан, фуқароларни бузилган хукуқларини тиклашда ўзи самарасини кўрсатмоқда.


* Ҳисоботлардаги таҳлилларга кўра, 2020 йилнинг б ойи давомида Ички ишлар вазирлиги тизими билан боғлиқжами келиб тушган мурожаатларнинг 7499 таси бевосита тергов идоралари фаолияти билан боғлиқ мурожаатлар ҳисобланади.

Мазкур мурожаатларни худудлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, Тошкент шаҳри - 1219 та (16,3%), Қашқадарё 880 та (11,7%), Тошкент вилояти 818 та (10,9%), Самарқанд 608 та (8,1%), Сурхондарё 768 та (10,2%), Бухоро 370 та (4,9), Фарғона 330 та (4,4%), Жиззах 264 та (3,5%), Андижон 260 та (3,5%), Хоразм 260 та (3,5%), Навоий 218 та (2,9%), Сирдарё 130 та (1,7%), Наманганд 115 та (1,5%), Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Тергов бошқармаси 90 та (1,2%), Транспортда ЖХТБ ҳузуридаги Тергов бўлими 9 та (0,1%) ҳамда ИИВ ҳузуридаги Тергов департаментига 1160 та (15,5%) мурожаатлар келиб тушган ва бевосита худудларнинг ўзида кўриб чиқилган.

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан келиб тушган мурожаатларнинг натижалари таҳлили шуни кўрсатадики, келиб тушган жами мурожаатларнинг 6674 таси ёки 89,0 фоизи тергов органлари томонидан ҳал этилган.



**2020 йилнинг 6 ойи давомида
Тергов департаменти ва унинг
қўйи тизимларига келиб тушган
мурожаатларнинг вилоятлар
кесимида таҳлили**



Жорий йилнинг 6 ойи давомида келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг жами 6674 та мурожаатларидан 3405 таси (51,1%) тўлиқ қаноатлантирилган бўлса, 3232 таси (48,4%) бўйича хукукий тушунтиришлар берилган, 37 таси (0,5%) қонун талблари асосида рад этилган.

Шунингдек, Тергов департаменти ва унинг қўйи тизимлари ваколатига кирмайдиган масалалар юзасидан келиб тушган 277 та (3,6%) мурожаатлар "Жисмоний" ва юридик шахсларнинг

мурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг 25-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 14.11.2017 йилда 252-сонли бўйруғининг 21-бандларига асосланиб, тегишилиги бўйича бошқа давлат органлари ва ташкилотларга юборилган.

Худудларда ўз ечими топмаётган, шунингдек, кенг қамровли, муҳим масалалар билан боғлиқ 1160 таси бевосита Тергов департаменти томонидан кўриб чиқилган бўлиб, ушбу мурожаатларнинг




**2020 йилнинг 6 ойи давомида
Тергов департаменти ва унинг
қуий тизимларига келиб тушган
мурожаатлар таҳлили**

ЖАМИ КЕЛИБ ТУШГАН МУРОЖААТЛАР



Қаноатлантирилган -3405
Тушунтирилган -3232
Рад этилган - 37

**ТЕРГОВ ДЕПАРТАМЕНТИГА КЕЛИБ ТУШГАН
МУРОЖААТЛАР**



Қаноатлантирилган -421
Тушунтирилган -538
Рад этилган - 2

ҳал этилиш натижаларига кўра, 421 таси (43,8%) қаноатлантирилиб, 538 таси (55,9%) бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилган, 2 таси (0,3%) эса қонун талаблари асосида рад қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ хузуридаги Тергов департаментида жисмоний ва юридик шахслар томонидан келиб тушган мурожаатларнинг ҳал қилиниши, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги

қонун нормалари ҳамда Ички ишлар вазирлигининг 14.11.2017 йилдаги 252-сонли буйруфи асосида тизимли равишда амалга оширилади.

Вазирлик аппаратига келиб тушган ҳар бир мурожаат дастлаб ИИВнинг ягона электрон тизимига киритилади ва масъул ходим томонидан тегишлилигига кўра юборилади. Бунда Тергов департаменти ва унинг қуий тизимлари фаолияти билан боғлиқ мурожаатлар келиб тушган



тақдирда, ИИВ Мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси масъул ходимлари томонидан ягона электрон тизим орқали Тергов департаментига юборилади. Бу мурожаат Тергов департаменти масъул

ходими томонидан тизим орқали қабул қилиниб, раҳбар сипориши асосида ижрочига топширилади.

Ижрочи мурожаатни қабул қилиб олгандан сўнг, мурожаатда кўрсатилган

z/oz

Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali

Barcha xizmatlar > Portal haqida > Ro'yxatdan o'tish Kirish o'z -

my.gov.uz ga xush kelibsiz!

Xizmat nomini kiriting

Elektron kalit olish Davlat xizmatlari uchun to'lov Ariza holatini tekshirish Telegram chat-bot

Aholi uchun ommabop xizmatlar Biznes uchun ommabop xizmatlar Hayotiy vaziyatlar Sohalar

Elektron kalit olish Bolani bog'chaga joylashtirish Toshkent shahrida va Toshkent viloyatida turar joyi bo'yicha hisobga qo'yish Sudlanmaganlik (yoki sudsanganlik) to'g'risida ma'lumotlona Manzil-malumot axboroti

Qurilish-montaj ishlarni amalga oshirish bo'yicha xabarmona yuborish Shaxsiy uy-joyi borligi yoki yo'qligi to'g'risida ma'lumotlona Hisoblangan ish haqidagi summlari to'g'risidagi ma'lumot Notarius qabuliga yo'zish Kadastr pasportini shakllantirish

Barcha xizmatlar >

УЗБЕКЧА О'ЗВЕКСНА РУССКИЙ | Махсус имонитлар | ID.GOV.UZ тизими орнага кироши

PREZIDENTGA MUROJAAT

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРОМОНОВИЧ МИРЗИЕВИННИГ ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАСИ

ҲАЛИҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ ҚАБУЛЛАР ЖАДВАЛИ ШАХСИЙ КАБИНЕТ ЯНГИЛИКЛАР

29 Октябрь, 2020 | Янгиликлар Гулистан, Ширин, Янглер шахарлари ва Сиддиро туманида Президент администрацияси, Ҳалиқ қабулхоналари бошчилгинча 20 га язин вазирlik va idoralar raҳbarlari ixtirokoida tashkil.

1 БЎЛИМ ЎЗИНГИЗНИ ҚИЗИКТИРГАН САВОЛГА ЖАВОБ ТОПИНГ

Излаш учун матнни киритинг

Излаш

Уй-жой масалалари
Сотни, сочни олини, расмийлаштириши ва давлат рўйхатидан ўтказиш гарбили

Банк фолияти
Конунчилек, Молия-кредит, омонат

Ижтимоий хизмат
Нафоқалар, бола парвариш учун тўлов, моддий ёрдам.

Тадбиркорлик фолияти
Конунчилек, лицензиалаш, тадбиркор хизомаси, импорт, экспорт

Ишлаб чикариш, сертификатлаш ва ветеринария хизматлари
Сенат, маҳсулот, сертификатлаштириш, чорванилик, ўй хайвонлари

Соликлар ва жарималар
Конунчилек, солик, ва унинг турлари, жарималар, текширишлар.



ҳар бир важларни атрофлича текшириб, бу борада керакли ҳужжатларни тўплаб ўрганиб чиқади. Зарурат бўлган тақдирда жиноят иши ёки терговга қадар текширув материаллари чакирилиб, назорат тартибида ўрганиб чиқилади ҳамда раҳбариятга билдирги орқали ахборот бериб, қонунда белгиланган 15 кун муддатда натижаси юзасидан мурожаат муаллифиға тўлиқ тушунтириш берган ҳолда асослантирилган жавоб хати юборади. Алоҳида ҳолларда қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса, тегишли орган раҳбарининг рухсати билан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилиши мумкин.

Шунингдек, тўпланган ҳужжатларни жамлаб, алоҳида йигмажилдга тикилган ҳолатда тергов департаменти жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича масъул ходимга топширади

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бугунги кунда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга катта эътибор берилиб, бир қатор самарали ишлар амалга ошириб борилаётганилигига қарамасдан, тергов органлари билан боғлиқ масалалар юзасидан тақрорий мурожаатларнинг келиб тушиш ҳолатлари кўплаб учраб турибди. Бу албатта ачинарли ҳолат. Тақрорий мурожаатларнинг келиб тушишига сабабчи бўлаётган омиллар сифатида қўйидагиларни кўрсатишмиз мумкин:

- суриштирувчи ва терговчилар томонидан жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган мурожаатларни тўлиқ кўриб чиқилмаганлиги, мурожаатдаги барча важлари текширилмаганлиги, бу борада худудий раҳбарларнинг идоравий назорати етарли даражада олиб борилмаётганилиги;

- мурожаатни кўриб чиқиша сансалорликка йўл қўйиб асоссиз равишда бошқа давлат органларига юборилиши;

- "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 28-моддасига асосан белгиланган

муддатда кўриб чиқилмаслиги, шунингдек, мурожаат муаллифиға жавоб хатларининг кеч юборилиши;

- Жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган мурожаатлардаги важларни текширмасдан, тўлиқ ўрганмасдан жиноят иши ёки терговга қадар текширув материалларига қўшиб қўйиши, шунингдек, мурожаатини кўриб чиқмасдан асоссиз жавоб хатлари юбориши;

- фуқароларни қабул қиласдан, уларнинг дардини эшитмаслиги ҳамда мурожаатларга панжа ортидан қараши, кўнғироқларига жавоб бермаслиги;

- тақрорий мурожаатлар бўйича унда келтирилган важлар етарли даражада ўрганилмасдан, аввалги берилган жавоб хатлари билан назоратдан олиниши;

- мурожаатни кўриб чиқиш натижаси юзасидан ижрочилар томонидан мурожаат муаллифиға етарли даражада тушунтириш берилмаганлиги, уларни шахсан қабул қилиб, мурожаати юзасидан амалга оширилган ишлар билан таништирмаганлиги;

- бошқа давлат органи ваколатига тегишли мурожаатларни қонунда белгиланган 5 кунлик муддатларда юбормаслиги;

- мурожаатни кўриб чиқиш якуни бўйича мурожаат муаллифиға "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 27-моддаси талабларига зид равишда мурожаат этилган тилда жавоб хатлари юборилмаслиги оқибатида бугунги кунда жисмоний ва юридик шахслардан тақрорий аризалар келиб тушмоқда.

Юқорида кўрсатилган камчиликлар ўз вақтида бартараф этилиб, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 14.11.2017 йилдаги 252-сонли буйруғида белгиланган тартибда кўриб чиқилса, жисмоний ва юридик шахслар томонидан келиб тушадиган тақрорий мурожаатлар сони кескин камайишига эришилади.



Мурожаатларда қўйилган масалаларни ҳал этишда ўз ваколати доирасига кирадиган давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг ариза ва шикоятлари ўз вақтида қонуний ҳал этилса, ахолининг амалдаги қонунларга, мурожаатларни кўриб чиқсан давлат органларига бўлган ишончи янада ортади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир келиб тушаётган мурожаат остида инсон тақдири ётади. Шундай

экан жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган ҳар бир мурожаатга алоҳида эътибор бериб, улардаги ҳар бир важларни синчковлик билан текшириб, масъулиятни ҳис қилган ҳолда қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиб, мушкулини осон қилсак, фуқароларнинг дарди билан яшасакгина, халқ давлат органларидан рози бўлади. Давлат ҳокимияти органларининг асосий вазифаси ҳам халқни рози қилишдан иборатdir.





ТЕРГОВ БЎЛИНМАЛАРИДА НАМУНАЛИ ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН ХОДИМЛАР



**Шоназаров Жасур
Жаҳонгирович**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ
хузуридаги Тергов департаменти
катта терговчиси



**Батыров Байрамбек
Бахрам ўғли**

Қорқалпоғистон Республикаси ИИВ
хузуридаги Тергов бошқармаси
терговчиси



**Мадрахимов Элдорбек
Матназар ўғли**

Хоразм вилояти ИИБ хузуридаги
Тергов бошқармаси
катта терговчиси



**Саломов Достонжон
Ахмаджон ўғли**

Сирдарё вилояти ИИБ хузуридаги
Тергов бошқармаси
ўМИБ терговчиси



**Кахаров Абдулазиз
Хабибуллаевич**

Тошкент шаҳар ИИБ хузуридаги
Тергов бошқармаси, кадрлар
бўлинмаси бошлиги



**Фармонов Хамрокул
Эшмаматович**

Сурхондарё вилояти Шўрчи
тумани ИИБ хузуридаги тергов
бўлими бошлиги



**Бахтиёров Миршоҳид
Бахтиёрович**

Қашқадарё вилояти ИИБ хузуридаги
Тергов бошқармаси терговчиси



**Зоҳидов Муҳаммадамин
Мансуржон ўғли**

Тошкент вилояти ИИБ хузуридаги
Тергов бошқармаси
катта терговчиси



**Эркинжанов Достонбек
Рустамжон ўғли**

Наманган вилояти Янгиқўргон
тумани ИИБ хузуридаги Тергов
бўлими терговчиси